

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА

МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

қўлёзма ҳуқуқида
УДК 334.722

АНВАРОВ САРДОР

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА
ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ БОШҚАРИШ
(Фарғона вилояти мисолида)

5А340201 “МЕНЕЖМЕНТ” (ИШЛАБ ЧИҚАРИШ)

Мутахассислиги бўйича магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.д., проф. Р.Х. Шодиев

Наманган-2012

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....
I-БОБ	ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....
1.1.	Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва иқтисодиётга жалб қилишнинг объектив зарурлиги
1.2.	Иқтисодиётни модернизациялаш, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда инвестицияларнинг роли ва аҳамияти.....
1.3.	Мамлакатни модернизация қилиш жараёнида инвестиция сиёсати ва ўзлаштирилаётган хорижий инвестициялар таҳлили.....
II- БОБ	ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИ ТАРМОҚЛАРИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА УЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ.....
2.1.	Фарғона вилояти иқтисодиёти тармоқларига инвестициялар жалб қилиш ҳолати
2.2.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Фарғона вилояти иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш муаммолари.....
2.3.	Фарғона вилояти иқтисодиётига жалб қилинаётган инвестицион лойиҳаларни бошқариш
III БОБ	ХУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЁРДАМИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....
3.1.	Худудлар иқтисодиётини инвестиция дастурлари асосида ривожлантириш.....
3.2.	Иқтисодиётини инвестициялар ёрламида ривожлантиришни бошқариш
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР
	Фойдаланилган адабиётлар.....
	ИЛОВАЛАР

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатни модернизациялаш учун дастлаб мамлакат иқтисодиётини, шу жумладан, саноатнинг ҳозирги ҳолатини чуқур ва аниқ баҳолаш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, иқтисодиётни модернизациялашнинг мақсади - мамлакат иқтисодиётининг янгилаш, фан сиғимкорлиги юқори бўлган устувор соҳаларни ривожлантириш асосида мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожлантириш йўлига ўтказиш, мамлакат миллий иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш ва аҳолининг ўсиб, ўзгариб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ҳисобланади. Иқтисодиётни модернизациялашга иқтисодий вазифа сифатида ёндашиш зарур ва иқтисодиётдаги номутаносибликларнинг заиф жойларини аниқлаб, модернизациялаш стратегиясини ишлаб чиқиш лозим.

Модернизациялаш мақсадига мамлакат иқтисодиёти таркибини ва ривожланиш ҳолатини чуқур таҳлил қилмасдан ва эришилиши кўзда тутилган намуналар билан қиёсий таққослашсиз эришиб бўлмайди. Шунинг учун мамлакатимиз иқтисодиётини ҳар томонлама модернизациялашни амалга оширишга қаратилган стратегияни ишлаб чиқишимиз лозим. “Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди”¹.

Модернизация - жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий институтлари ва иқтисодий асосининг ҳар томонлама янгиланишини билдиради. Модернизация бу аниқ ҳаракатлар дастури бўлиб, иқтисодиётни барқарор суръатларда ривожлантириш, мамлакатимизни дунёдаги тараққий этган мамлакатлар

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.-Тошкент. “Ўзбекистон”, 2010.43-б

қаторига олиб чиқиш йўлига ўтказиш воситасидир.

“Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар алоҳида эътиборга лойиқдир....фақат хомашё етиштиришга йўналтирилган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли даражада авжига чиққан, ишлаб чиқариш ва социал инфратузилмаси ўта қолоқ, аҳоли жон бошига истеъмол кўрсаткичи энг паст бўлган иқтисодиёт мерос бўлиб қолган эди. Шунини эътиборга оладиган бўлсак, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш вазифасини ҳал этиш қанчалик муҳим стратегик аҳамиятга эга экани ҳақида ортиқча гапиришга бугун зарурат йўқ, деб ўйлайман. Иқтисодиётимизда юз бераётган ижобий ўзгаришларни яққол тасаввур қилиш учун қуйидаги рақамларни келтириб ўтмоқчиман. Агар ўн йил олдин, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноатнинг ҳиссаси атиги 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 24 фоизни, транспорт ва алоқанинг улуши тегишли равишда 7,7 ва 12,4 фоизни ташкил этди, хизматлар бўйича бу рақам 37 фоиздан 49 фоизга ўсди. қишлоқ хўжалигининг улуши эса 30,1 фоиздан 17,5 фоизга тушди”².

Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида миллий иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминлашда инвестициялардан самарали фойдаланиш, иқтисодий сиёсатнинг асосий концептуал йўналишларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда республика иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш механизмини ривожлантириш зарурияти давр талаб бўлиб, шу билан бир қаторда ташқи ва ички ресурслардан самарали фойдаланиш долзарблигича қолмоқда.

Барчамизга маълумки, ўтган 2011 йилда фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт

² “Барча режа ва дастурларимиз ватамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. Президент ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2011 йил, 22 январ.

йўлини ўзида мужассам этган Ўзбек моделининг энг муҳим тамойилларидан бири бўлган давлатнинг бош ислохотчи экани ҳақидаги принципдан келиб чиқиб, давлат томонидан оқилона, фаол инвестиция сиёсати олиб борилди. Буни ўзлаштирилган капитал қўйилмалар миқдоридан ҳам билиб олиш мумкин. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2011 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан қиймати 10 миллиард 800 миллион доллардан ортиқ капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2010 йилга нисбатан 11,2 фоиз кўп демакдир³. Иқтисодиётимизга киритилаётган инвестицияларнинг йилдан-йилга ўсиб боришида юртимиздаги мавжуд инвестицион шароит ва қулай инвестиция муҳити алоҳида аҳамият касб этаётганини таъкидлаш жоиз.

Мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш нечоғлик катта ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу авваламбор, аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш каби энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш имкониятини беради. Шу боисдан ҳам мамлакатимизга хорижий инвестициялар жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва зарурий шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл инвестициялари иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас. Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этилиши унинг иқтисодий имкониятларининг кенгайишини тезлаштириб, барча соҳаларда ички имкониятлар ва резервларни ишга солиш, янги техника ва технологияни,

³ Ислон Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012 й., 11-бет.

экспортбоп товарларни ўзлаштиришга, уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали давлатимиз иқтисодий қудратини таъминлашда долзарб аҳамият касб этади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Инвестициялар, инвестиция лойиҳаларини баҳолаш, таҳлил қилиш, уларни бошқариш, инвестиция қарорларини қабул қилиш масалалари чет эллик олимлардан: Брикхмен Ю., Бейли Ж., Лоренс Ж., Жонк М.Д., Зель А., Конвей Р., Майерс С, Мертенс А.В., Мауер, Норкотт Д., Вильям Д. Нордхаус, Петер Штольте, Роуз Питер С., Розенберг Ж.М., Холт Роберт Н., Сигел Сорос Ж., Френсис Ф.Фис, Жозеф И. Финнерти, Хавранек П.М., Шарп У., Шим Жей К., Гудман Ж.Эллиот, Максимо В.Энг ва бошқаларнинг асарларида тадқиқ этилган.

Шунингдек, инвестициялар, уларни бошқариш, молиялаштириш масалалари россиялик иқтисодчилардан Бочаров В.В., Волков И.М., Золотогоров В.Т., Идрисов А.Б., Картишев С.В., Ковалев В.В., Коссов В.В., Лившиц В.Н., Липсиц И.В., Миловидов В.В., Морозов Д.С., Павлов И.Т., Постников А.В., Сидельников Л.Б., Смирнов А.Л., Турбина Т.Е., Тумусов Ф.С., Черкасов В.Е. каби олимлар томонидан ўрганилган.

Инвестициялаш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида, шунингдек, М.С.Ангелиди, Ф.У.Додиев, Н.Г.Каримов, С.А.Нуриддинов, Х.А.Омонов, М.Ф.Очилов, О.Ш.Собиров, Д.Ғ.Ғозибеков, К.Б.Хошимов каби олимларимиз мамлакат иқтисодиётига инвестициялар жалб қилишни ривожлантириш ва бошқаришнинг назарий ва услубий томонларини ёритишда ўз хиссаларини қўшишган.

Магистрлик диссертациянинг илмий тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Магистрлик диссертацияси Наманган муҳандислик-педагогика институти “Менежмент ва иқтисодиёт” кафедрасининг “Бозор иқтисодиёти шароитида турли мулкчилик шаклидаги корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш” мавзуси билан боғлиқ. Магистрлик диссертацияси кафедранинг илмий тадқиқотлар режаси, республикада

миллий иқтисодиёт тармоқларига инвестицияларни, жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарор ва қоидалар ҳамда Наманган вилояти материаллари асосида, юқоридаги ишларга таянган ҳолда олиб борилди.

Тадқиқотнинг мақсади. Илмий тадқиқотнинг мақсади иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида миллий иқтисодиётни ривожлантириш, инвестицион лойиҳаларни самарали бошқариш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Магистрлик диссертациясида қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва иқтисодиётга жалб қилишнинг объектив зарурлигини ўрганиш;

Иқтисодиётни модернизациялаш, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда инвестицияларнинг роли ва аҳамияти очиқ бериш;

Мамлакатни модернизация қилиш жараёнида инвестиция сиёсати ва ўзлаштирилаётган хорижий инвестициялар таҳлил қилиш;

Фарғона вилояти иқтисодиёти тармоқларига инвестициялар жалб қилиш ҳолатини кўриб чиқиш;

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Фарғона вилояти иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш муаммоларини аниқлаш;

Фарғона вилояти иқтисодиётига жалб қилинаётган инвестицион лойиҳаларни бошқариш ҳолатини таҳлил қилиш;

Худудлар иқтисодиётини инвестиция дастурлари асосида ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш”

Иқтисодиётини инвестициялар ёрламида ривожлантиришни бошқариш бўйича таклифлар бериш.

Тадқиқот объекти сифатида Фарғона вилояти олинди.

Тадқиқот предмети сифатида иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида Ўзбекистонда инвестиция муҳити уни ривожлантириш ва

бошқариш муаммолари олинган.

Тадқиқот методлари. Тадқиқотда мантиқий ва қиёсий таҳлил, илмий абстракция, тизимли таҳлил монографик кузатиш, илмий мушоҳада, статистик гуруҳлаш ҳамда график усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг услубий ва назарий асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизациялаштириш сиёсатига оид асарлари, инвестициялар, инвестицион лойиҳаларни баҳолашга бағишланган хорижий ҳамда маҳаллий олимларнинг илмий ишлари, Ўзбекистон Республикасининг инвестиция фаолиятини тартибга солиш бошқаришга қаратилган Қонунлари ҳамда меъёрий ҳужжатлар ташкил этади.

Магистрлик диссертациясини бажариш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси, Фарғона вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт бош бошқармаси, вилоят Статистика бошқармаси ҳисоботлари ҳамда таҳлиллар натижаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Фарғона вилояти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва иқтисодиётга жалб қилишнинг объектив зарурлиги кўриб чиқилган, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда инвестицияларнинг роли ва аҳамияти очиб берилган, мамлакатни модернизация қилиш жараёнида инвестиция сиёсати ва ўзлаштирилаётган хорижий инвестициялар таҳлил қилинган, Фарғона вилояти иқтисодиёти тармоқларига инвестициялар жалб қилиш ҳолати ўрганилган, Фарғона вилояти иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш муаммолари аниқланган ва уларни ечимлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган, вилоят иқтисодиётига жалб қилинаётган инвестицион лойиҳаларни бошқариш, иқтисодиётини инвестиция дастурлари асосида ривожлантириш бўйича таклифлар берилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, магистрлик

диссертацияда иқтисодий инвестициялар ёрдамида ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган ёндашувлардан Фарғона вилояти иқтисодий тармоқларига инвестициялар жалб қилиш, уларни бошқариш, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ҳудудларни ривожлантириш режаларини асослашда, Иқтисодий таълим йўналишларида тахсил олаётган талабаларга “Иқтисодий назарияси”, “Жаҳон иқтисодий ва халқаро итисодий муносабатлар”, “Хорижий инвестициялар” фанларини ўқитишда, ҳамда вилоят ҳокимлиги томонидан мазкур масалага оид дастурий ҳужжат ва амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Диссертация ишининг асосий ғояси ва унинг мазмун-моҳияти, илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот жараёнида олинган натижалар, хулосалар ва ишлаб чиқилган тавсиялар магистрантларнинг илмий семинарларида баён қилинган ва қуйидаги илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокама этилган “Рақобатбардош кадрлар тайёрлашда мустақил таълим: жаҳон таълим тизими тажрибаси ва олий таълим муассасалари ҳамкорлиги” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси (2010 йил, Наманган), “Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда замонавий ёндашувлар” Республика илмий-амалий конференцияси (2011 йил, Наманган), “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”га бағишланган “Таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро инновацион ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш, тажриба ва истиқболлар” (2011 йил, Наманган).

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни Республика илмий-амалий конференциялари тўпламларидаги 2 та илмий мақолаларда ўз ифодасини топган.

Магистрлик диссертациясининг таркиби Магистрлик диссертацияси кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ҳамда иловалардан ташкил топган.

I-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ИЛМІЙ-УСЛУБІЙ АСОСЛАРИ

1.1. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва иқтисодиётга жалб қилишнинг объектив зарурлиги

Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг ривожланишида иқтисодий тармоқларнинг кенгайиши, мулкчилик шаклларининг ортиши ва қўшма корхоналарнинг салмоғини ўсиб боришига катта инвестициялар жалб қилинмоқда. Ёнилғи-энергетика мажмуаси, машинасозлик, металлургия, кимё мажмуаси, енгил саноат, саноатнинг озиқ-овқат ва қайта ишлаш тармоқларига сафарбар этилган йирик миқёсдаги инвестициялар импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни барпо қилиш ва янги маҳсулотлар турларини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлади. Кейинги йилларда транспорт мажмуасига, коммуникацияларга, ижтимоий соҳага, шу жумладан таълим соҳасига инвестициялар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай тузилмавий ўзгартиришлар жаҳон хўжалигига кириб бориш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришиш имкониятларини яратади.

Иқтисодиётни техник-иқтисодий модернизациялаш, саноатнинг устувор тармоқларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш, ташқи ва ички бозорлардаги талабларга жавоб берадиган рақобатбардош товарларни кўпайтириш ва янгиликларни яратиш ҳисобига амалга оширилишини тақозо этади.

Ҳозирги даврда "инвестициялар" тушунчаси, аксарият ҳолларда кенг маънода ишлатилмоқда. Иқтисодий фанларнинг турли тармоқларида, амалий фаолиятнинг турли йўналишиларида инвестициялашнинг мақсадлари, соҳалар хусусиятлари, сафарбар этилиш объектлари, ҳаракат йўналишларидан келиб чиқиб ва аҳамиятига қараб "инвестициялар" тушунчаси ўзига хос маънода ишлатилади. Молиявий нуқтаи назардан уларнинг мазмуни ва моҳиятини аниқ белгилаш муҳим вазифа ҳисобланади. Фақат капитални йўқотиш risksи мавжуд бўлган пул

шаклидаги инвестициялар янги активларни вужудга келтиради. Инвестицияларнинг мулкӣ шаклидаги моддий ва номоддий неъматлар ва уларга бўлган ҳуқуқларни иқтисодий ва бошқа фаолиятларга жалб этиш эса, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида, инвестициялар эъзига барпо этилган активларни ишлатишдан далолат беради. Молия назариясига кўра, инвестициялар бўлажак натижаларни қўлга киритиш мақсадида, моҳиятан ҳозирги харажатларни билдиради. Инвестициялар ноаниқлик эҳтимоли бўлган ва келгусида кутилаётган қийматга капиталнинг аниқ бугунги қийматини алмаштиришдан иборатдир. Бунинг далили сифатида инвестицияларнинг сафарбар этилишида уларнинг онгли равишда аниқ ва ноаниқ бўлган рисклар билан боғланишини келтириш мумкин. "Инвестициялар" атамаси лотин тилидаги "invest" сўзидан келиб чиққан бўлиб "қўйиш", "маблағни сафарбар этиш" маъносини билдиради. Кўпгина ҳолларда "инвестициялар" тушунчаси иқтисодий ва бошқа фаолият объектларини киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар тарзида таърифланади. "Чет эл инвестициялари" тушунчасига таъриф беришда ҳам худди шу маъно назарда тутилади, лекин бу ўринда уларнинг қонуний ҳуқуқчилиги ва мақсадига кўпроқ урғу берилади. Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги қонунида⁴ Ўзбекистон Республикаси худудида чет эллик инвесторлар томонидан қонун ҳужжатларига зид бўлмаган тадбиркорлик ва бошқа фаолият турлари объектларига аксарият фойда (даромад) олиш мақсадларида киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқларнинг жами турлари, шу жумладан, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинadиган ҳар қандай даромад чет эл инвестициялари саналади. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, инвестицияларнинг ҳаракатидан келиб чиқиб замон ва маконининг алмаштирилиши ва ўз иқтисодиётга кириб бориши намоён бўлади. Инвестицияларнинг турли шаклларда ўзга

⁴ Қўрашди Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 30 декабрдаги қарори билан 1998 йил 20 январда қабул қилинган.

иқтисодиётларга кириб бориши янгидан инвестиция фаолиятини йўлга қўйишда, уларнинг тури ва шаклларида қатъий назар, янгитдан сафарбар этилишини ва боғланишини билдиради.

Одатда макроиқтисодий даражада инвестициялар дейилганда ишлаб чиқариш воситаларини такрор ишлаб чиқаришга, янги уй-жой биноларини, товар заҳираларини кўпайтириш ва шу кабиларга йўналтирилган харажатларнинг бир қисми тушунилади. Шундай қилиб, бу ўринда ялпи ички маҳсулотнинг жорий даврда истеъмол қилинмаган, капитални ўстиришга йўналтирилган қисми назарда тутилади. Айрим иқтисодчилар⁵ эса инвестициялар - бу пул маблағлари сарфлари бўлиб, даромаднинг жорий истеъмолга эмас, балки пировард мақсади келажакда янада юқорироқ даромад ёки ижтимоий самара топишдан иборат бўлган жами ижтимоий ёки яқка капитални такрор ҳосил қилиш учун фойдаланиладиган қисми деб қарайдилар. Ишлаб чиқариш назарисид ва микродаражада "инвестициялар" дейилганда янги капитални, шу жумладан ишлаб чиқариш воситалари ва интеллектуал потенциални такрор ишлаб чиқаришни ташкил қилиш жараёни назарда тутилади. Умуман олганда, иқтисодиётда инвестициялар капиталнинг жамғарилиш жараёнидир. Молия назариясида инвестициялар реал ёки молиявий активларни олишдан далолат беради ва келажакда кутилган даромадларга эришиш мақсадларида қилинган ҳозирги харажатлардан иборатдир. Бошқача айтганда инвестициялар ҳозирги муайян капитал қийматини кутиладиган, келажакдаги ноаниқ қийматга алмашишни билдиради. Шундан қилиб, замонавий молия назариясида инвестициялар бугунги муайян қийматни келажакдаги эҳтимоли бўлган ноаниқ қийматга алмаштиришни англатадиги⁶. Сўнгги таърифда инвестицияларнинг мазмуни ва моҳиятининг асосий мезони тарзида келгуси манфаатлар ҳамда инвестициялар билан боғлиқ рисклар таъкидлаб кўрсатилган. Масалан, П. Массе инвестициялаш бугунги

⁵ Óóíóñîá Ò.Ñ. Èíááñòèèíííé ïîðáíòèàè ðáàèíà:Òáíðèý, ïðíáèáíè, ïðàèèèèà. Ì: «Ýéíííèèà», 1999

⁶ Мертенс А.В. Инвестиции: Курс лекций по современной финансовой теории - Киев, Киевское инвестиционное агентство, 1997.

эҳтиёжларни қондиришни инвестиция неъматлари ёрдамида келажакда кутиладиган қондиришга алмаштириш ҳаракатидан иборат деб ҳисоблайди⁷.

Бу эса инвестициялар фақат ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қоплаш, кенгайтириш, янгилаш ва техника билан қайта қуроллантиришга ёки асосий капиталга йўналтирилади деган фирмаларни билдирмоқда. Чиндан ҳам, ҳаракатлар йўналишлари нуқтаи назардан алмаштириш, кенгайтириш, қуроллантириш, фондлар таркибини янгилаш ва бошқаларни кўриш мумкин. Шу маънода, бу фикрнинг тасдиғига далил сифатида инвестицияларнинг соф ва эскиришни қоплаш инвестицияларига таснифланиши, уларнинг жамланиб ялпи инвестицияларни ҳосил қилишини келтириш мумкин.

Булар билан бир қаторда, инвестициялар бошқа активларни, хусусан, номоддий, айланма активларни шакллантиришга йўналтирилишини ҳам назардан соқит қилмаслик керак. Шу муносабат билан уларни сафарбар этиш ва боғлаш объектларига мол-мулк, молиявий воситалар, номоддий ва интеллектуал бойликлар киритилган.

Бевосита инвестициялар эса иқтисодий субъектнинг устав капиталига даромад топиш ва хўжалик юритувчи субъектни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини олиш мақсадларида киритиладиган инвестициялардир. Улар ресурсларни янги лойиҳаларга жалб қилиш, замонавий техникаларни киритиш, молиявий воситаларни харид этиш, яъни акцияларни сотиб олиш, кўшилиш, кўшиб олиш, мавжуд капитални харид этиш ва бошқа йўллар орқали амалга оширилади.

Портфель инвестициялар молиявий ресурсларни диверсификация асосида портфелни шакллантириш билан боғлиқ ва инвесторнинг аниқ бир инвестиция мақсадларига ёки уйғунлашган мақсадларига эришиш учун хизмат қиладиган турли бойликларнинг бир бутун қилиб йиғилган мажмуидан иборат. Аннуитет инвесторга мунтазам равишда белгиланган муддатларда муайян даромад келтирувчи инвестициялардир.

⁷ Золотогоров В.Г. Инвестиционное проектирование : Учеб.пособие. -Мн.: ИП «Экоперспектива», 1998.

Инвестициялаш субъектлари нуқтаи-назаридан инвестицияларни хусусий, корпоратив ва давлат инвестицияларига ажратиш мумкин. Инвестицияларни мазмун ва моҳиятини аниқловчи асосий мезон сифатида, уларнинг макон ва замонда ҳаракатда бўлишидан келиб чиқиб, келгусидаги манфаатлар ва уларга эришиш билан боғлиқ бўлган рисклар ташкил этади. Инвестициянинг моҳиятини янада тўлароқ очиб бериш учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунига мувофиқ уларнинг таснифини, шунингдек, бу масала бўйича иқтисодий адабиётларда мавжуд бўлган қарашлар ва нуқтаи назарларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Республикамизнинг бир гуруҳ иқтисодчи-олимлари томонидан "инвестиция"га берилган таърифлари ўзгача маънода бўлиб, уларнинг фикрича, "инвестиция деганда даромад олиш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларнинг барча турдаги мулкӣ, молиявий интеллектуал бойликларни иқтисодиётни турли тармоқларига узоқ муддатларга йўналтириш ва шу билан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда аҳоли талабларини қондириш тушунилади “ деб таърифлашган.⁸

Инвестиция тушунчасига берилган ушбу таърифларни таҳлил қилар эканмиз, бу таъриф ҳозирги иқтисодиётнинг жадал ривожланиши даврида бир оз эскирганини сезамиз. Бизнингча, инвестициялар нафақат узоқ муддатли қўйилмалар тариқасида, шунингдек, қисқа ва ўрта муддатли қўйилмалар кўринишига ҳам эгадир.

Н.Ҳ. Ҳайдаров – “инвестиция — бу мулк шаклидан қатъий назар, тадбиркорлик асосида фаолият юритаёган жисмоний ва юридик шахслар ёки давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий самара олиш мақсадида ўз ихтиёридаги молиявий, моддий ва интеллектуал бойликларни қонун доирасида бўлган ҳар қандай тадбиркорлик объектига сарфлашидир”⁹ деб таърифлайди. Бизнинг назаримизда, инвестицияларга берилган бу таъриф бошқа

⁸ Н.Г. Каримов "Иностранные инвестиции в экономику Республики Узбекистан и их финансовое обеспечение" автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Т., 1998, 6 б.

[illegible]

мавжуд таърифларга нисбатан олганда ҳозирги давр иқтисодиётидан келиб чиқиб яратилган деб ҳисоблаш мумкин. Лекин мазкур таърифни ҳам тўлдириш керак.

Профессор Д.Ғ. Ғозибековнинг фикрича - "инвестициялар аниқ ва ноаниқ, лекин эҳтимоли бор рисклар остида капитални муайян жараёнларга, муайян вақтга боғлаш бўлиб, унинг ҳозирги қийматини сақлаш, капиталлаштириш ва жамғариш мақсадига қаратилган"¹⁰.

Инвестициялар учун зарурий молиявий манбаларни топиш иқтисодий ўсиш шартига айланган. Бу эса биринчи набватда истеъмол ва жамғарма нисбатига боғлиқ. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишда, ўз моделини амалга ошираётган Ўзбекистон инвестицияларни молиялаштиришнинг самарали усуллари, механизмлари ва воситаларини излашда давом этмоқда. Иқтисодиётнинг барча мулкчилик секторлари доирасида инвестиция фаолиятининг кучайиши инвестиция лойиҳаларини баҳолаш ва танловни ўтказишни такомиллаштириш, инвестициялаш учун зарур бўлган ишончли молиявий манбаларни излаб топиш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ҳал қилиш заруриятини кўндаланг қилиб қўяди. Мамлакат инвестиция фаолиятида айниқса хорижий инвестиция иштироки кучайиши билан бу масалалар аҳамияти ошиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бевосита хорижий инвестициялар тўғрисида фикр билдириб: "Бир оддий ҳақиқатни яхши тушуниб олиш керакки, Ўзбекистонга киритилаётган инвестициялар, апниқса, тўғридан-тўғри келаётган сармоялар оқими ҳар бир киши, умуман жамият ҳаёти учун сув ва ҳаводек зарур"¹¹ деб баҳолаган. Инвестиция фаолиятида бурилишлар, таъкидланган вазифаларни ечиш инвестициялашнинг давлат механизмини

¹⁰ Д.Ғ.Ғозибеков «Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари» мавзусидаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертационни автореферати. Т.: 2002, 16-6.

¹¹ Каримов И.А. Иқтисодётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишимиз-бош йўлимиз. "Халқ сўзи", 15 феврал 2002 йил 3-бет

эркинлаштириб бориш ва бозор механизмлари қўлланиладиган соҳаларни кенгайтириш, инвестициялашни ўз жамғармалари ҳисобидан таъминлашнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, лойиҳавий, корпоратив молиялаштириш, лизинг ва бошқа шуларга ўхшаш янги усуллардан фойдаланиш соҳаларини кенгайтиришни талаб қилади.

Бир давлатдан бошқа давлатга даромад олиш учун йўналтирилган ҳар қандай шаклдаги мулкни тўла қонли равишда хорижий инвестиция дейишимиз мумкин. Аммо шундай мулк шакллари борки, биз уларни хорижий инвестиция дея олмаймиз. Масалан, элчихона чет давлат мулки ҳисобланади, ёки хорижий фуқаро шахсий уй сотиб олса бу хорижий шахс мулки ҳисобланади, лекин хорижий инвестиция бўла олмайди.

Хорижий инвестициялар - бу чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлоқ бошқа давлат иқтисодиётининг, тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулкӣ, молиявий, интеллектуал бойликлардир.

1998 йил 30 апрелда қабул қилинган “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддасида “Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари деб эътироф этилади”¹² деб таъкидланади.

Хорижий инвестицияларининг умумий таърифи Ф. Хениуснинг 1947 йил АҚШда чоп этилган ташқи савдо луғатининг 2-нашрида қуйидагича: “Хорижий инвестициялар – бу бир мамлакат ҳудудидан иккинчи мамлакат

¹² Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 19-сон,-Т.: Адолат,1998.532-бет.

худудига киритилган, экспорт қилинган инвестициялар”¹³ тариф берилган.

Чет эл инвестициялари дейилганда чет мамлакатларнинг миллий иқтисодиётга моддий, молиявий ва номоддий кўринишидаги муддатли қўйилмаларнинг барча шакллари тушунилади. Бу қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: қўшма корхоналарни ташкил қилишда ўз улуши билан қатнашиш, хорижий сармоядорларга тўла тегишли бўлган корхоналарни барпо этиш, хорижий шахслар томонидан қимматли қоғозларни, шунингдек, заём ва кредитлар олиш.

Хорижий инвестициялар ички инвестициялардан фарқли ҳолда ташқи молиялаштириш манбаига киради.

Хорижий инвестициялар қўшма корхоналар ташкил этиш, хорижий инвесторларга тўлиқ тегишли бўлган корхоналарни яратиш, хусусийлаштиришда қатнашиш, хорижий шериклар билан банк тузиш, қимматли қоғозларни сотиб олиш, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш, эркин иқтисодий ҳудудларда фаолият олиб боришда жуда катта ва муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Асосий вазифамиз–Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузасида қуйидаги фикрларни таъкидлади: “2010 йилда мамлакатимизда муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун 3 миллиард АҚШ долларидан зиёд ёки ўтган йилга нисбатан 30 фоиз кўп хорижий инвестициялар жалб қилинишини эътиборга оладиган бўлсак, ўйлайманки, амалга ошириладиган лойиҳаларнинг кўлами ва салмоғи ўз-ўзидан аён бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 46 фоизга ошади”¹⁴ деб таъкидлайдилар

¹³ Dictionary of Foreign Trade. by F.Henus Sec/ Ed. N4.,1947, P.387.

¹⁴ Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-

Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликнинг мунтазам равишда кенгайтириб борилиши, узоқ муддатли инвестициявий қарзларнинг ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши Ўзбекистондаги Инкирозга қарши чоралар дастурида етакчи ўрин тутди. Қуйидаги рақамлар бу тўғрида энг ишончли маълумотларни беради: 2009-2014 йилларда модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган муҳим лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан 2009 йилнинг 12 мартида тасдиқланган дастур доирасидаги инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро молиявий ташкилотлар, икки томонлама шартномалар ва етакчи хорижий компанияларнинг умумий миқдори 22 миллиард доллардан зиёд кредитлари ва инвестицияларни жалб этиш кўзда тутилган эди. Ҳозирги кунда умумий қиймати 19 миллиард доллардан ортиқроқ бўлган 80 дан зиёд лойиҳаларни инвестициялаш ва молиялаш бўйича аниқ манбалар белгиланиб, хорижий шериклар билан шартномалар имзоланди.

Бу шериклар орасида Осиё Тараққиёт банки (ОТБ), Жаҳон банки (ЖБ), Ислон Тараққиёт банки (ИТБ) ва бошқа халқаро молиявий институтлари алоҳида ўрин тутди. Узлуксиз макроиктисодий барқарорлик, иқтисодий ўсишнинг юксак суръатларини таъминлаш, тузилмавий ўзгаришларни изчил амалга ошириб бориш, шунингдек, иқтисодиётни ҳамда унинг таянч ва ижтимоий инфратузилмаларини босқичма-босқич модернизациялаштириб боришни таъминлашга қаратилган Ўзбекистон иқтисодий стратегияси халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик кўламининг янада жадал ўсиб боришига замин яратади.

Умуман айтганда, жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида Ўзбекистон иқтисодиётининг муваффақиятли ва барқарор ривожланишининг асосида чуқур ўйланган, Ўзбекистонга хос хусусиятлар тўла ҳисобга олинган иқтисодий ислохотларнинг ўзига хос ва ўзимизга мос модели мужассам.

Ушбу дастурнинг изчил амалга ошириб келиниши мамлакатимиз иқтисодиётини диверсификациялашган, жаҳон бозорига рақобатбардош, кенг даражада хилма-хил тайёр маҳсулотлар билан чиқаётган, узлуксиз юқори суръатлардаги иқтисодий юксалишга мойил, жиддий расмий омиллар ва бенуксон кредит тарихига эга бўлган замонавий иқтисодиётга айланишини таъминлайди.

Бу, ўз навбатида, инқирознинг нафакат салбий оқибатларини юмшатишга, балки Ўзбекистон иқтисодиётини янада кучли ва бардошли иқтисодиётга айлантиришга қаратилган инқирозга қарши чораларнинг кенг миқёсли комплекс дастурини ишлаб чиқиш ҳамда уни тезроқ амалга ошириш имконини берди. Бунда эса энг хал қилувчи вазифа — хорижий инвестициялар ва узоқ муддатли инвестициявий кредитларни жалб этиш эвазига иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш асосини тубдан модернизациялаш, уни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашдан иборат.


Бозор иқтисодиёти ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳажми тобора ортиб бораётган хорижий инвестицияларни жалб қилишда ижобий таъсир кўрсатмоқда. Хорижий инвестицияларни жалб этиш муҳимлигини эътироф этиш баробарида унинг иқтисодий моҳиятини англаб етиш мақсадга мувофиқдир.

Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонунига кўра Ўзбекистон Республикасида қуйидагилар чет эллик

инвесторлар бўлиши мумкин (1.1.1- чизма)

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти бениҳоят катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:



1.1.1-чизма

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти бениҳоят катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

-биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

-иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёридаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

-учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

-тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қурулантиради.

1.2. Иқтисодийни модернизациялаш, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда инвестицияларнинг роли ва аҳамияти

Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийни диверсификация этиш, иқтисодий тармоқларининг рақобатдошлигини ошириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг экспортдаги ҳажмини кенгайтиришга қаратилган инвестиция фаолиятини тартибга солувчи 50 дан ортиқ ҳуқуқий-ҳужжат қабул қилинди, жумладан, “Концессиялар тўғрисида”ги, “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги 30.04.1998 йилдаги Қонуни; “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонунлар айти шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Маълумки, жамият тараққиётида аҳолининг муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш нафақат ижтимоий, айти вақтда сиёсий аҳамиятга эгадир.

Бу ҳақда сўз борганда, аввало кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодийни модернизация қилиш шароитида аҳоли даромадлари таркибида қатор ўзгаришлар содир бўлди:

биринчидан, даромад шакллари ўзгарди, яъни унинг анъанавий турлари (иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия) қаторига мутлақо янгилари - тадбиркорлик фаолиятидан, мулкдан, кўчмас мулкдан, қимматли қоғозлардан, чет эл валютасидан келадиган даромадлар қўшилди;

иккинчидан, даромадларнинг таркибий қисмлари миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгарди, бу борада фуқаро ихтиёридаги ҳақиқий даромадлар, тўпланиш ва ажралиш коэффициенти, даромад танқислиги, тирикчилик минимуми, қашшоқлик даражаси, оила пул даромадларининг харид қобилияти каби тушунча ва категориялар пайдо бўлди;


учинчидан, даромадлардан фойдаланишнинг янги йўналишлари вужудга

келди: мажбурий тўловлар ва бадаллар, чет эл валютаси, қимматли қоғозлар ва шахсий мулкни сотиб олиш учун харажатлар, тижорат банкларида қўйилмалар шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, аҳоли даромадларининг даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг зарурий эҳтиёжини қондириш, саломатлигини сақлаш, дам олишини ташкил этиш, маълумот олиши, бўш вақтини мазмунли тарзда ўтказиши бўйича имкониятлари шунчалик кўп бўлади.

“2011 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан қиймати 10 миллиард 800 миллион доллардан ортиқ капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2010 йилга нисбатан 11,2 фоиз кўп демакдир”¹⁵.

Республикаимиз иқтисодиётида инвестицияларнинг сўнгги олти йилдаги ўсиш сўр'атлари турлича бўлиб, бунда олдинги йиллардагига нисбатан ўсиш ва пасайиш тенденциялари кузатилмоқда (1.2.1-расм).



1.2.1-расм. 2005-2011 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётига йўналтирилган инвестицияларнинг ўсиш сўр'атлари, фоизда.

Ҳозирги глобаллашув шароитида, бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб, жаҳонда инвестициялар учун қатъий кескин кураш давом этмоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, мамлакатимиз

¹⁵ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. //Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14.

иқтисодиётига бевосита хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишини таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни такомиллаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, маблағларни энг устувор йўналишларда ҳамда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ йўналишларда мужассам қилиш республикада ўтказилаётган инвестиция сиёсатининг асосий тамойилларидир¹⁶.

Бельгиялик олим Хилберн Бойснинг фикрига кўра “Катта иқтисодий, минерал-хомашё ва инсон салоҳиятига эга бўлган. Ўзбекистон хорижий сармоядорларни, аввало, мамлакатдаги барқарор сиёсий вазият билан ўзига жалб этади. Ушбу мамлакатда татбиқ этилаётган барча янгиланишлар республикани янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва гуллаб-яшнашига кафолат бўлади”¹⁷.

Мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилаётган инвестициялар манбалари ва улардан фойдаланиш борасида ижобий сифат ўзгаришлари рўй бермоқда. Молиялаштириш манбалари таркибига тўхталадиган бўлсак (1.2.1-жадвал), 2011 йилда умумий инвестициялар ҳажмида давлат бюджети маблағлари 5,1 фоиз; чет эл инвестициялари 25,3 фоиз; корхоналар ва аҳоли маблағлари 49 фоизни ташкил этган.

1.2.1-жадвал

2005-2011 йилларда инвестициялар таркибининг ўзгариши, фоизда

Молиялаштириш манбалари	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009й.	2010 й.	2011 й.
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1	7,4	5,1
Чет эл инвестициялари	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8	25,3
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3	49,0
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6	16,5	20,6

Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳукм сураётган бир

¹⁶ Маҳмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010. – 86-б.

¹⁷ Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. /№ 3/2011 й., 19 б.

шароитда ҳам улкан хорижий инвестициялар йўналтирилаётган мамлакатлар гуруҳидан жой олмоқда. Бунга, албатта, мамлакатимизда олиб борилаётган ва узоқ стратегик мақсадларни кўзлаган инвестиция дастурлари ҳамда қулай инвестиция муҳити яратилгани асосий омил бўлмоқда. Давлат инвестиция дастурлари доирасида жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 2011 йилда 2006 йилга қараганда қарийб тўрт баробарга кўпайган. 2011 йилда тўғридан-тўғри инвестициялар умумий хорижий инвестицияларнинг қарийб 78,8 фоизини ташкил этган. Бу энг аввало Президентимиз томонидан мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий диверсификация этиш жараёнининг тўғри ва аниқ олиб борилаётгани натижасидир.

Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодий тизимни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди¹⁸.

Иқтисодийдаги таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини янада жонлантириш, хорижий инвестицияларни, аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуроллантириш, янги иш ўринларини шакллантириш ва шу асосда миллий иқтисодий тизимни барқарор ва жадал ривожлантиришни таъминлаш мақсадида республика бюджетидан катта миқдорда маблағлар ажратилмоқда.

2011 йил учун қабул қилинган Ўзбекистоннинг инвестиция дастурида бюджет маблағлари ҳисобидан жами 950 миллиард сўмлик маблағ ажратилиши кўзда тутилган эди (1.2.2-жадвал), олиб борилган иқтисодий сиёсат натижасида, 2012 йил 1 январь ҳолатига кўра бюджетдан 1101,7

¹⁸ Ислон Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 31 б.

миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди. Бу эса прогноз қилинган маблағдан 116 фоизга кўп демакдир. Бунга, албатта, бюджет даромадларининг ошгани ва молия-иқтисод соҳасининг тўғри, оқилона олиб борилгани мустаҳкам замин бўлди.

1.2.2-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилдаги Инвестиция дастурида кўзда тутилган капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари¹⁹

№	Молиялаштириш манбаларининг номланиши	Ажратиладиган маблағлар, миллион сўм
	Жами капитал қўйилмалар, шундан:	20 721 845
1.	Марказлашган инвестициялар:	4 969 491
1.1.	Бюджет маблағлари	950 000
1.2.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	105 000
1.3.	Бюджетдан ташқари фонлардан, жумладан, - Республика йўл жамғармаси - Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси - Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси	911 834 609800 139930 162104
1.4.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида)	1 353 527
1.5.	Давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида), шундан: <i>қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш (сўм эквивалентида)</i>	1 376 130 <i>171 750</i>
2.	Марказлашмаган инвестициялар:	16 025 354
2.1.	Корхона маблағлари	7 536 261
2.2.	Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, шу жумладан: <i>АТБ “Қишлоқ қурилиш банки”нинг қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш учун имтиёзли кредитлари</i>	2 069 185 196 289
2.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида)	3 835 109
2.4.	Аҳоли маблағлари	2 584 800

Инвестиция бозори инфратузилмасини шакллантиришда иқтисодий

¹⁹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1455-сонли қарори. 1-илова.

субъектларнинг инвестиция ва молиявий эҳтиёжларига хизмат кўрсатиш бўйича кенг имкониятларга эга бўлган тижорат банклари, банкдан ташқари молиявий ташкилотлар, инвестиция фондлари ва бошқа молиявий воситачилар муҳим роль ўйнайди. Шуларни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1455-сонли қарори²⁰ қабул қилинди. Бу қарор билан тасдиқланган дастур асосида капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари таркибида тижорат банклари кредитларининг салмоғи ҳам юқори бўлаётгани олдинги бобларда кўриб ўтдик.

Республикамизда инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмлари жорий этилиши билан уларни молиялаштириш манбалари ҳажми йилдан-йилга ўзгармоқда. Сўнгги олти йилда инвестицияларни молиялаштириш манбаларида давлат бюджетининг салмоғи бошқа бозор иқтисодиётига хос бўлган молиялаштириш манбаларини ошиши эвазига камайиб борган.

Ривожланган давлатларда инвестицияларни молиялаштиришда аҳоли қўйилмаларининг салмоғи анча юқори. Масалан, Японияда аҳоли қўйилмалари банк тизимининг умумий ресурсларида 70 фоизни ташкил этади. Аҳоли учун жамғармаларни юқори ликвидлиги, ишончилиги таъминланади²¹.

1.2.2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2011 йилда ўзлаштирилган марказлашмаган инвестициялар умумий инвестицияларнинг 77,3 фоизини ташкил этган. Президентимиз маърузасида қайд этилганидек, 2011 йилда жами инвестицияларнинг (10 миллиард 800 миллион доллар) 73 фоиздан ортиғи мамлакатимизнинг ички манбалари ҳисобидан – корхоналар ва аҳоли маблағлари, инвестиция жараёнларида тобора фаол иштирок этаётган тижорат банклари кредитлари, шунингдек, давлат бюджети ва

²⁰ Халқ сўзи. 2010 йил. 29 декабр.

²¹ Стратегии модернизации и обеспечения долгосрочного устойчивого экономического роста. Форум экономистов Узбекистана. Т.: «SMI-ASIA», 2011. 63-б.

бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан шакллантирилган.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ҳисобидан кўзда тутилган тадбирлар учун 2011 йилда 105 миллиард сўм, шундан 78,3 миллиард сўм қурилиш, лойиҳа-қидирув ва реконструкция қилишга; 20,0 миллиард сўм мелиоратив техникалар сотиб олишга; 6,7 миллиард сўм эса кредиторлик қарзларини тўлаш учун сарфланган. Агар амалга оширилган ишларнинг кўламини қайд этадиган бўлсак, ушбу жамғарма маблағларидан оқилона фойдаланиш натижасида 676,2 километрлик коллекторлар қурилди ва реконструкция қилинди; 87,1 километрга тенг бўлган горизонтал ёпиқ дренажлар, шунингдек, 13 та мелиоратив насос станцияси, 191 та мелиоратив ва 282 та кузатув қузури, 17 та гидротехник иншоотлар қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди.

“Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилга мўлжалланган инвестиция дастури тўғрисида”ги Президент қарорининг бажарилиши йўлида қишлоқ ва сув хўжалиги тизимини янада ривожлантириш учун тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2011-2015 йилларда амалга оширилиши кўзда тутилган 27 та истиқболли лойиҳа бўйича 990 миллион АҚШ долларилик молиялаш манбаи белгиланди. XXP ҳукумати, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки ва Франция ҳукумати ушбу лойиҳаларни молиялаш учун потенциал хорижий инвесторлар ҳисобланади.

Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 500 минг гектардан ортиқ суғориладиган ҳудуд сув билан таъминланиб, 100 минг гектардан ортиқ ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, 2010 йилда Ўзбекистон 1976 йил 13 июнда имзоланган Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди (IFAD)ни ташкил этиш тўғрисидаги келишувга қўшилди, бу қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини молиялашнинг қўшимча манбаи ҳисобланади. Фонд ривожланаётган мамлакатларга қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш мақсадида имтиёзли шартларда молиявий ресурсларга беришга ихтисослашган.

1.2.3-жадвал

Марказлашган ва марказлашмаган маблағлар ҳисобидан амалга
оширилган тадбирлар (2011 йил)

№	Молиялаштириш манбалари	Амалга оширилган йирик тадбирлар	Ўзлаштирилган маблағлар, миллиард сўм
1	Бюджет маблағлари	- сув хўжалиги тизими (ирригация ва мелиорация тадбирлари, янги сув хўжалиги иншоотлари қурилиши учун ва бошқа) ривожлантирилди - соғлиқни сақлаш тизими ислохотлари учун - таълим тизимини ривожлантириш учун - қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида - шаҳар типдаги посёлкалар, қишлоқ қурилиши учун бош режа ва архитектура лойиҳалари учун	272,3 282 31,4 41,5 2,5
2	Республика йўл жамғармаси	- замонавий йўлларни қуриш, мавжудларини қайта таъмирлаш учун	348,8
3	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	- сув хўжалиги иншоотларини қуриш, ирригация ва мелиорация тадбирлари учун	80,7
4	Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси	- таълим тизимини ривожлантириш, янги турдаги таълим муассасаларини қуриб битказиш, мавжудларини қайта реконструкция қилиш, шунингдек, таълим даргоҳларининг ўқув-лаборатория хоналарини жиҳозлаш учун	162,1
5	Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси	- ўрта махсус таълим мактаблари учун спорт мажмуаларини қуриш, мавжудларини қайта таъмирлаш, мусиқа ва санъат мактабларини ташкил этиш, улар учун замонавий бинолар барпо этиш	150,8
6	Хорижий инвестициялар, тижорат банклари кредитлари, Ўзбекистон Республикаси тараққиёт ва тикланиш жамғарамаси, корхоналарнинг хусусий маблағлари	Янги қурилишлар, модернизация ва реконструкция учун ўзлаштирилган жами маблағлар, <i>миллион доллар</i>	6016,97

Хусусан, фонд 50 йилгача бўлган муддатга фақат бир фоиз миқдорида хизмат ҳақини тўлаш шарти билан фоизсиз қарзлар беради²².

2011 йилда Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ҳисобидан жами 162,1 миллиард сўм (1.2.3-жадвал), шундан капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш учун 75,2 миллиард сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган эди. Амалга оширилган аниқ тадбирлар натижасида 2011 йилда: Фарғона вилоятида 540 ўқувчи ўрнига мўлжалланган битта академик лицей; Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятида 1170 ўқувчи ўрнига эга бўлган 2 та касб-хунар коллежи; Андижон, Навоий ва Сирдарё вилоятларида 450 нафар талабага мўлжалланган талабалар турар жойлари; Наманган, Тошкент ва Хоразм вилоятлари касб-хунар коллежлари учун лабораториялар, шунингдек, 38165 ўқувчи учун мўлжалланган 118 та умумтаълим мактаби қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий характерга эга бўлган объектларнинг фойдаланишга топширилиши. 2011 йилда молиялаштиришнинг турли манбалари ҳисобидан 14084 иш ўрнига эга бўлган жами 1006 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Булар:

№	Тармоқлар ва соҳалар	Фойдаланишга топширилган объектлар сони	Яратилган ишчи ўрини, киши
1	Ёғочни қайта ишлайдиган соҳа	41	221
2	Енгил ва текстил саноати	235	6658
3	Машинасозлик саноати	17	409
4	Озиқ-овқат саноати	352	2550
5	Қурилиш моллари ишлаб чиқариш соҳаси	278	3234
6	Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси	2	7
7	Фармацевтика саноати	4	137
8	Кимё саноати	11	139

²² Қосимов М. Дунё андозаси даражасида ривожланаётган агросаноат. /Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. № 3/2011 й., 23-б.

Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилишнинг ҳозирги босқичида инвестицион фаолиятини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштириш талаб этилмоқда. Инвестиция бозорини шакллантириш инвестиция ресурсларини тўплаш, жамғармаларни инвестицияларга айлантириш, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муаммоларини ҳал этишнинг зарурий шарти ҳисобланади²³.


1.3. Мамлакатни модернизация қилиш жараёнида инвестиция сиёсати ва ўзлаштирилаётган хорижий инвестициялар таҳлили

Президентимизнинг мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳамда 2011 йилнинг асосий йқунлари ва 2012 йил Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузасида Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб этишга стратегик устувор вазифа сифатида қаралиб, мазкур масала давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши этиб белгиланган.

Ҳукуматимиз томонидан қулай инвестиция сиёсатини олиб бориш мақсадида қуйидаги тамойилларга устувор аҳамият қаратилмоқда: ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш; республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри капитал қўйилмаларнинг кенг жалб қилинишини таъминловчи ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шароитларни янада такомиллаштириш; юртимизга жаҳон даражасидаги технологияларни олиб кирувчи, миллий хўжаликнинг замонавий тузилмасини ташкил этишга кўмаклашувчи чет эл инвесторларига нисбатан қулай шароитлар яратиш сиёсатини изчил олиб бориш; энг муҳим устувор йўналишларга маблағларни

²³ Каримов Н. Инвестицион фаолиятни қимматли қоғозлар орқали молиялаштиришдаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари. /Иқтисодиёт ва таълим. 2011 й., 5-сон.

йўналтириш²⁴. Бундан кўринадики, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, замон талабларига мос бўлган товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг кейинги тўлқинлари зарбасига ижтимоий-иқтисодий талофатларсиз бардош бериш, уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда комплекс ёндашувларга урғу берилмоқда.



1.3.1-расм. 2011 йил Давлат инвестиция дастури доирасида жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг тармоқлар бўйича улуши.


Юртбошимиз таъкидлаганидек, “... жаҳон захира валюталарининг беқарорлиги, молия-банк тизими кредит қобилятининг кескин пасайиши ва инвестициявий фаолликнинг сусайиши билан боғлиқ мураккаб муаммолар кўплаб давлатлар иқтисодиётнинг тикланиш ва ўсиш суръатларига таъсир кўрсатмоқда”²⁵.

2011 йилда ҳудудий инвестиция дастури доирасида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг мутлоқ қиймати 402 миллион долларни ташкил

²⁴ Собиров А. Ўзбекистон Республикасига хорижлик инвесторларни жалб қилиш шакллари. /Иқтисодиёт ва таълим, 2011 й., 5-сон.

²⁵ Ислон Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012 йил, 4-бет.

этган. Ҳудудлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг катта қисми Тошкент шаҳри (39,2 фоиз) ҳиссасига тўғри келган ва хорижий сармоялар иштирокида фаолият олиб бораётган корхоналар сони мазкур йилда 273 тага кўпайган. Умумий ҳисобда мамлакатимиз бўйича 2011 йилда хориж сармояси иштирокидаги корхоналар сони 372 тани ташкил этган. Бошқа ҳудудларимиз бўйича маълумотлар 1.3.3-расмда келтирилади.



1.3.2-расм. Ҳудудий инвестиция дастури доирасида 2011 йилда жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми.

2011 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар сони жами 4575 тани, шундан фаолият олиб бораётган корхоналар сони 4203 тани ташкил этган. Фаолият олиб бораётган қўшма корхоналарнинг 1600 таси ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланаётган корхоналар ҳисобланади.

Юртимизда ўтказилаётган иқтисодий сиёсат жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграция жараёнининг фақат давлатнинг таркибий тузилиши бўйича эмас, балки хусусий сектор даражасида ҳам жадаллашувини назарда тутди. Эркин бозорнинг фаолият кўрсатиши учун яратилаётган шароит Ғарб ва Шарқ ишбилармонларининг мамлакатимизга барқарор қизиқишини уйғотмоқда. Бугунги кунда бизнинг тадбиркорларимиз ҳам хорижий инвесторларни ҳамкорликка жадал жалб этмоқда.

Айни вақтда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар барпо

этиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олмоқда: корхонани ташкил этиш сабабларини инобатга олиш; ишончли шерик танлаш; хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона барпо этиш ҳақида қарор қабул қилиш.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонани ташкил этиш сабабларининг асосан уч туркумини ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар ички, ташқи ва стратегик сабаблардир.

Ички сабаблар таркиби қуйидагилардан иборат: яратилган инвестиция муҳитидан фойдаланиш; бошқарувнинг янги усулларини ўзлаштириш; замонавий ва энг қулай тартибга эришиш; маҳаллий ишчи кучи ресурсларидан самарали фойдаланишни кенгайтириш; хориж бозорига кириб боришни тезлаштириш; ижтимоий, маданий ва сиёсий билимларни кенгайтириш; ходимлар малакасини ошириш.

Ташқи сабаблар таркиби қуйидагича: жаҳон бозорига чиқиш; соғлом ва самарали рақобат муҳити; хорижий иқтисодий алоқаларнинг яхшилиги; маҳаллий ҳокимиятнинг талаблари.

Стратегик сабаблар таркиби қуйидагилардан иборат: мамлакатда замонавий иш юритиш усулларидан фойдаланиш имконияти; мустақкам хомашё базасига эга бўлиш; технологиялар трансферти; ишлаб чиқаришни кенгайтириш²⁶.

Инвестицион фаоллик барча соҳа ва тармоқларда жадал суръатларда амалга ошириб келинмоқда. Биргина Давлат мулки қўмитаси томонидан 2011 йилда 135та олди-сотди шартномаси бўйича инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши назоратга олинган. 2011 йилда 88,1 миллион доллар ва 22,5 миллиард сўмлик инвестиция мажбуриятлари бажарилган. Шундан 1 миллион доллар ва 18,5 миллиард сўмлик қисми “ноль” қийматда сотилган объектлар бўйича бажарилган инвестиция мажбуриятлари ҳисобланади.

²⁶ Маҳмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010. – 89-90-б.

Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши юксак даражада тараққий этишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири бўлган. Аммо яна бир ҳақиқат мавжудки, чет эл инвестицияларини керагидан ортиқ жалб этиш ҳам мамлакатни иқтисодий ва сиёсий қарамликка олиб келиши мумкин.

Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор аҳамият берилмоқда. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, жаҳон хўжалигини ривожлантиришда халқаро капитал миграцияси муҳим аҳамиятга эга, чунки у мамлакатнинг ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқалари мустаҳкамланишига олиб келади, уларнинг ташқи савдо айланмаларини, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиради, иқтисодий ривожланишни жадаллаштиради, ишлаб чиқарилаётган товарларнинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини, импортчи мамлакатлар техник салоҳиятини ўстиради ва мамлакатдаги бандликни оширади²⁷.

²⁷ Маматов М. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари./ Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 4-сон, 38-б.

II-БОБ. ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИ ТАРМОҚЛАРИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА УЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

2.1. Фарғона вилояти иқтисодиёти тармоқларига инвестициялар жалб қилиш ҳолати

Фарғона вилояти иқтисодиёти тармоқларига инвестициялар жалб қилинишини таҳлилини кўриб чиқалиган бўлсак, ўтган йилларда хорижий инвестицияни юқори суръатлар билан жалб қилиниши Давлат кафолати ҳисобига амалга оширилганлиги кузатилади. Бунинг сабаби бу йилларда вилоят ишлаб чиқаришида муҳим аҳамият касб этувчи Фарғона “Азот” ишлаб чиқариш бирлашмаси, “Кварц” акционерлик жамияти, Фарғона нефтни қайта ишлаш заволи ва бошқа йирик корхоналарни хорижий инвестиция ҳисобига модернизация қилиш ишларини амалга оширилиши, ҳамда “Бестекс”, “Қобул Фарғона Ко ЛТД”, “Автоойн”, “МС Фуд процессинг Ко” каби йирик қўшма корхоналарнинг ташкил этилиши ва уларни Низом жамғармаларини шакллантириш эвазига амалга оширилиши бўлди.

Фарғона “Азот” ишлаб чиқариш бирлашмасини реконструкция қилиш 2 та босқичда амалга оширилди.

- Франциянинг “Кребс-Спешим” компанияси томонидан хлорат натрий, хлорат магний дефолиантини ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш лойихаси бўйича 27,9 млн. АҚШ доллар;

- Чехиянинг “МБНС” компанияси томонидан амиак селитрасини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бўйича 56,64 млн. АҚШ доллар киритиш лойихалари бўйича лойихалар тўлиқ амалга оширилди.

- Фарғона фуран бирикмалари заводида пахта целлюлозасини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун Германиянинг “Union Matex” компанияси билан 45 млн. 959 минг Еврога тенг шартнома имзоланиб, бу инвестицион

лойихани Германиянинг Берлинер банк кредит линияси орқали молиялаштирилган. Лойиха тўлиқ амалга оширилган.

- Фарғона механика заводи билан Англиянинг “Евразия Транс ЛТД” компанияси таъсисчилигида “ЕвроОсиё Тапо Диск” қўшма корхонаси ташкил этилиб, корхона низом жамғармасидаги хориж шериклар улуши 51,2 фоиз (4726 минг АҚШ доллар) қилиб белгиланди.

- “Кварц” АЖида Флоат ойнасини ишлаб чиқаришини реконструкция қилиш учун Италиянинг “Текинт” фирмаси орқали 16,08 млн. Еврога тенг маблағ ўзлаштирилди.

- Жанубий Кореянинг “Кабул ЛТД” компанияси иштирокидаги “Қобул Фарғона Со ЛТД” қўшма корхонаси ташкил этилиб, қўшма корхонага жами 8827 млн. Япон йени ва бундан ташқари 14 млн. АҚШ доллариға тенг хорижий инвестиция киритилди.

- Ўзбекистон - Италия “Автоойна” қўшма корхонасида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун Италиянинг “Националь де Лаворо” банкининг хорижий кредит линияси орқали 19 млн. 295 минг АҚШ доллариға тенг инвестиция жалб қилинди. Корхонага Италиянинг Текинт компаниясидан ишлаб чиқариш технологиялари келтирилиб ўрнатилди.

Бу корхоналарга хорижий инвестицияни жалб қилиниши вилоятда кимё саноати, нефтни қайта ишлаш саноати, қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш соҳаларини ривожланишига катта хисса қўшди. Фарғона вилояти иқтисодиётига йилдан-йилга давлат кафолати ҳисобига киритилаётган инвестиция камайиб, тўғридан тўғри хорижий инвестицияни улуши кўпайиб бормоқда.

Йилдан-йилга корхона ва тадбиркорларнинг бу соҳадаги илмий салоҳиятини ва тажрибаларини ортиб бориши эвазига, сўнги йилларда ичида вилоят миқёсида инвестицияларни жалб қилиниши унча катта маблағ талаб қилмайдиган лойихалар эвазига амалга оширилмоқда. Бу эса лойихани амалга ошишини бирмунча тезлаштириши, унча катта бўлмаган ишлаб

чиқариш корхонасини ҳом-ашё ва айланма маблағ билан таъминлашниши, янги турдаги экспортбоп маҳсулотларни яратилиши ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқарилиши эвазига валюта сарфини камайтиришда юқори натижаларга эришилишида қўл келмоқда.

2.1.1-жадвал

Фарғона вилояти иқтисодиёти тармоқларида асосий капиталга киритилган инвестициялар

	2011 йил январ-декабр		Маълумот учун: 2010 йил январ- декабр, умумий ҳажмга нисбатан фоизда
	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоизда	
Асосий капиталга киритилган инвестициялар - жами	1152,8	100,0	100,0
Ишлаб чиқариш тармоқлари	784,9	68,1	63,9
саноат	385,7	33,5	26,4
шу жумладан:			
Электро энергетика	23,9	2,1	5,3
машинасозлик	40,0	3,5	1,6
енгил саноат	183,6	15,9	13,0
озик-овқат саноати	25,7	2,2	1,5
қурилиш материаллари	21,4	1,8	1,1
қишлоқ хўжалиги	76,0	6,6	4,9
қурилиш	134,3	11,6	9,0
транспорт ва алоқа	84,7	7,4	10,8
савдо ва умумий овқатланиш	36,0	3,1	5,8
кимё ва нефт-кимё саноати	10,5	0,9	1,7
бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	19,3	1,7	8,3
Ноишлаб чиқариш тармоқлари	367,8	31,9	36,1
уй-жой қурилиш	247,2	21,4	3,8
коммунал хўжалик	30,0	2,6	5,2
соғлиқни сақлаш	30,3	2,6	17,8
таълим	21,1	1,8	3,3
бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	39,2	3,4	6,0

2011 йил мобайнида вилоят иқтисодиёт тармоқларига барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 1152,8 млрд. сўм миқдорида асосий капиталга инвестициялар киритилди. (2.1.1-жадвал).

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 784,9 млрд. сўм ёки 68,1 фоизи ишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилди, ноишлаб чиқариш тармоқларига 367,8 млрд. сўм ёки 31,9 фоизи йўналтириди.

Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 247,2 млрд. сўм ёки 21,4 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилган. 2011 йилнинг январ-декабрида умумий майдони 862,3 минг кв.м. бўлган 8439 та уй-жой (2010 йил январ-декабрга нисбатан 100,3 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 668,5 минг кв.м. (97,7 фоиз) 6622 та уй-жой фойдаланишга топширилди.

Академик-лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлашда 1549,9 млн. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 0,4 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 7,3 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 226,6 км. узунликдаги ичимлик суви, 142,1 км. узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2010 йилнинг январ-декабрга нисбатан мос равишда сув тармоғи 106,1 ва газ тармоғи 136,1 фоизни ташкил қилди. Ишга туширилган умумий ичимлик сувининг 85,3 фоизи ва газ тармоқларининг 46,2 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 10834,3 млн. сўм, корхоналар ва аҳоли маблағлари ҳисобига 4256,3 млн. сўм (39,3 фоизи), газ тармоқлари қурилишига 4337,3 млн. сўм, шундан корхоналар ва аҳоли маблағлари ҳисобига 4337,3 млн. сўмлик (100,0 фоизи) инвестициялар ўзлаштирилди.

Фарғона вилоятида 2011 йилнинг январ-декабрда вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 1158781,8 млн. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўсиш суръати 2010 йил январ-декабрга нисбатан 118,8 фоизни

ташқил қилди.


Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйидаги 2.1.2-жадвалда келтирилган.

2.1.2-жадвал

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши

Жамига нисбатан фоиз ҳисобида						
	Жами инвестициялар, млн. сўм	Шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича				
		рес-публика бюджети	корхоналар ва аҳоли маблағлари	чет эл инвестициялари ва кредитлари	банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	бюджетдан ташқари фондлар маблағлари
Жами	1152781,8	12,9	51,2	17,1	14,8	4,0
шу шумладан мулкчилик шакллари бўйича:						
давлат	288519,3	51,7	13,7	18,5	-	16,1
нодавлат	864262,5	-	63,7	16,6	19,7	-

Иқтисодиётнинг айрим тармоқларида чет эл инвестициялари ва кредитларини ўзлаштириш 2.1.1-расмда келтирилган.



2.1.1-расм. Фарғона вилояти иқтисодиётининг айрим тармоқларида чет эл инвестициялари ва кредитларини ўзлаштириш (чет эл инвестициялари ва кредитларининг умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)

Фарғона вилояти иқтисодиёти тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб қилинишини такомиллаштириш, вилоят инвестицион салоҳиятини ўрганиб таҳлил қилиш эвазига инвестицион йўналишларни белгилаш ва керакли чора-тадбирлар ҳамда таклифларни ишлаб чиқиб бу бўйича амалий ишларни олиб бориш учун вилоятга хорижий инвестицияни жалб қилиш бўйича Дастур қабул қилинди.

Бу дастурга кўра Фарғона вилоятига 2012-2014 йиллар давомида 55 та лойиха орқали 409,5 млн. АҚШ долларига тенг хорижий инвестицияни жалб қилиш истиқболи белгиланди.

Мазкур Дастурда Фарғона вилоятнинг яқин йиллар ичидаги инвестицион хажми 1,5 млрд. АҚШ долларни ташкил этиши аниқланди. Бу маблағлар соҳалар бўйича қуйидагича тақсимланади:

2.2.3-жадвал

Фарғона вилояти иқтисодиёти тармоқларига жалб қилинадиган инвестициялар миқдори

Т.р	Тармоқ ва соҳа номи	Жалб қилинадиган инвестиция миқдори АҚШ долл.	Жалб қилинадиган инвестиция миқдоридаги улуши %
1	Енгил саноат	203,2 млн	14,1
2	Ипакчилик саноати	14,6 млн	1,02
3	Кимё саноати	753,8 млн	52,2
4	Халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш	19,2 млн	1,33
5	Озиқ овқат саноати	13,8 млн	1,0
6	Мева сабзавотни қайта ишлаш	17,9 млн	1,2
7	Машинасозлик	3,7 млн	0,3
8	Энергетика саноати	218,5 млн	15,2
9	Электротехника саноати	100 минг	0,01
10	Қурилиш материал ишлаб чиқариш	13,3 млн	1,0
11	Терини қайта ишлаш саноати	2,4 млн	0,17
12	Хизмат кўрсатиш соҳаси	11,0 млн	0,8
13	Инфраструктурани ривожлантириш	129 млн.	8,9
14	Нефтни қайта ишлаш соҳаси	50 млн	3,5
15	Бошқа тармоқларга	- 5 млн	0,4

Енгил саноат бўйича инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида пахта ҳам ашёсини экспорт қилинишидан кўра, уни тайёр (кўйлак, футболка, пайпоқ) каби тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини йўлга қўйилишига эришилади. Фарғона вилояти иқтисодиётига жалб қилинадиган инвестициялар миқдорида бу соҳанинг салмоғи катталиги билан бир қаторда янги ташкил этилаётган ишчи ўринларини 40 фоизга яқини енгил саноат соҳасига тўғри келмоқда. Енгил саноатга тегишли корхоналарда асосан аёлларни ишлаши вилоятда аҳолини бандлик даражасини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Фарғона вилоятида ипакчилик соҳасини ривожланиши маълум бир тарихий қадриятларга асосланади. Вилоятда ипакчилик саноати ривожланиши учун шарт-шароитлар ва имкониятлар жуда ҳам юқори баҳоланиб келинмоқда. Хозирги кунда мавжуд корхона ва хусусий тадбиркорлар томонидан вилоятда етиштирилаётган пилла ҳам-ашёсининг 40 фоизга яқини қайта ишланади. Дастур бўйича “Буюк ипак йўли” АЖи, “Шохи Атлас”, “Водил ипакчилик” ва “Турон шойиси” АЖи ўрнида ташкил этилган кичик корхоналарнинг ишлаб чиқариш хажмларини кенгайтириш ва модернизация қилиш эвазига бу кўрсаткични 63% га етказиш режалаштирилган.

Фарғона вилояти кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича нафақат мамлакатимиз балки Ўрта Осиё миқёсида катта салмоққа эга. Вилоятда аммиак, карбамид ишлаб чиқариш учун 1968-1985 йилларда йўлга қўйилган технологиялардан фойдаланиб келинмоқда, ушбу ишлаб чиқариш технологиялари бир мунча маънавий эскирган. Бу муаммони ҳал қилиш мақсадида 2012-2014 йилларгача модернизация қилиш ҳисобига аммиак ишлаб чиқариш қувватини йилига 200 минг тоннага, карбамидни йилига 450 минг тоннага етказиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳаларни тўлиқ амалга оширилиши эвазига мамлакат халқ хўжалигидаги минерал ўғитларга бўлган талабни қондириш ва сифатини оширишга эришилади.

Бундан ташқари “Қўқонспирт” АЖини 45% (4,1 млн. АҚШ долл) акциясини хорижий ишбилармонларга сотиш эвазига корхонада ишлаб чиқариш қувватини ошириш режалаштирилган.

Келажакда Фарғона Нефтни қайта ишлаш заводида нефть битумини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва нефть маҳсулотларини қайта ишлашга доир реконструкция ишларини амалга ошириш эвазига корхонада ишлаб чиқарилаётган мой ва битумни сифатини ошириш бўйича ишлар олиб бориш режалаштирилмоқда. Лойиханинг умумий қиймати 50 млн. АҚШ долларини ташкил қилади.

Фарғона вилоятининг бой тарихи, қулай табиий минтақада жойлашганлиги ва бир қанча гўзал ландшафтларга эгаллиги бу минтақада туризм ва меҳмонхона хизматини ривожлантиришга катта имконият яратади. Бу эса туризмга инвестицияни жалб қилиш билан бир қаторда транспорт, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Хозирги кунда хорижий инвестициялар жалб қилинган лойихалардан “Марғилон Текстил” АЖи, “Азия Ферғана” қўшма корхонаси, “Акбарали” ХФ, “Улуғбек” АЖи, “БешкрафтТекс”, “Mega Dry”, “Коки”, “Unitex LTD”, “Шарқ неъматлар”» қўшма корхонаси, “Алеста Гласс” шуъба корхонаси, “Антикор” хусусий ишлаб чиқариш корхоналари томонидан маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилмоқда.

2.2. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Фарғона вилояти иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш муаммолари

Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг асосий вазифаларидан бири сармоявий фаолиятни жонлантириш ва унинг иқтисодий ўсишни таъминловчи янги механизмни ишлаб чиқишдан иборат. Инвестицион фаолликни жонлантириш маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётидан бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга ўтаётган барча мамлакатлар дуч келган энг мураккаб муаммолардан биридир. Уни фақат бошқарувнинг

монетар усуллари ёрдамида осонгина ҳал этиб бўлмайди. Инвестициявий фаоллик кўплаб омилларга боғлиқ, бинобарин, уни бошқаришнинг биронта усулини алоҳида кўрсатиш мумкин эмас.

2001 йилдан бошлаб Ўзбекистондаги иктисодий ўсиш, энг аввало, капитал маблағлар ўзлаштирилиши ва замановий технологик ускуналар билан жихозланган янги прогрессив ишлаб чиқариш ҳаракатга келтирилиши асосида таъминлана бошлади.

Лекин хўжалик субъектларида ҳамон молиявий ресурсларнинг етишмаслиги сармоя кўйиш даражаси ошишини чегаралаб турувчи асосий сабаб бўлиб келмоқда. Таклиф этилаётган ишлаб чиқариш омиллари - ишчи кучи, ускуналар, конструкцион материаллар тўлов қобилиятига эга талабдан юқори бўлмоқда. Бу эса инвестицион товарлар ишлаб чиқараётган тармоқ маҳсулотлари баҳоси бошқа товарлар нархига нисбатан пасайишига сабаб бўлади.

Бозор ислохотлари баъзи корхоналарнинг молиявий аҳволи ёмонлашувига олиб келади. Бу ҳолат фақат реал фойданинг (нарх даражасидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда) пасайишида эмас, балки рентабеллик даражаси кутилганидан камайишида, зарар келтираётган ишлаб чиқариш кўпайиши, қарзлар ва тўловларнинг ўз вақтида тўланмаслиги даражаси ошишида ҳам намоён бўлди. қарзлар ортиб бориши таъминотчи ва истеъмолчининг қаттиқ молия - кредит сиёсатига муносабати маҳсули бўлиб, корхоналарнинг мана шу тадбирлар ва янги шароитда ишлашга салбий муносабатидан гувоҳлик беради. Яна бир ахамиятли томони шундаки, пул қадрсизланиши ва шартномавий интизом сустлиги жараёнида қарзларнинг вақтида тўланмаслик ҳолати айрим корхоналар ва банкларнинг тижорат маифаатлари доирасига кириб, ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинмаслигидан кўшимча даромад олиш учун фойдаланиш, маблағларнинг воситачи, молия-кредит операцияларига жалб этиш ҳолларига олиб келаяпти.

Инвестицион соҳа ислоҳотида хусусийлаштирилган корхоналарнинг сармоявий фаолиятига ҳам муҳим ўрин ажратилади. Корхоналар мулкани ва

акцияларини сотиш хисобига капитал маблағларни молиявий таъминлаш учун қўшимча имкониятларга эга бўлади, деб ҳисобланади. Аммо акцияларга талаб сустлиги ва уларнинг катта қисми корхона меҳнат жамоаси ҳамда маъмуриятга бириктирилганлиги туфайли бир қатор ҳолатларда хусусийлаштиришнинг инвестицион самарадорлиги кутилганидан паст бўляпти. Яна шуни таъкидлаш керакки, ички ва ташқи сармоядорларни жалб этиш учун эркин бозорда ўз акцияларини жойлаштиришда уларнинг манфаатдорликлари ҳисобга олинмаган, корхоналарда қизиқтириш механизми яратилмаган. Акционерлик жамиятларига айлантириш жараёни акцияларни сотиш ва иккиламчи бозорда уларнинг баҳосини кўтариш хисобига қўшимча инвестициялар тушуриш манбаига айланмади.

Инфляциянинг пасайиши, банк фоиз ставкалари камайиши ва давлат қисқа муддатли облигациялари даромадлилиги иқтисодиётнинг реал тармоғига катта миқдорда кредит ресурсларини жалб этишга кўмак бериши керак. Лекин ҳозирча бу заҳиралар етарли эмас. Шу сабабли ишлаб чиқаришни кенгайтираётган корхоналар олдида инвестиция манбаларини излаш муаммоси ҳам юзага келади. Мамлакат ичкарасида молиявий заҳиралар тақчиллиги сезилаётганлиги туфайли кўплаб корхоналар сармоя ажрата оладиган, замонавий ишлаб чиқариш ва бошқарув технологиясига эга бўлган ҳамда чет эл бозорига чиқишга ёрдам берувчи ҳорижий ҳамкорлар толишга интиломқдалар. Ҳорижий сармояларни кенг кўламда жалб этишга миллий иқтисодиётни таркибий қайта қуришга эришишнинг муҳим шарти, деб қаралмоқда.

Асосий муаммо шундаки, тадбиркорларимизнинг ўзига хос манфаатлари ҳар доим ҳам бир-бирига мос тушавермайди. Кўплаб сабаблар туфайли ҳорижий инвесторларнинг асосий қисми иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатларга қўйиладиган сармояларга фақатгина дивиденд ва фоизлар кўринишидаги пул ишлаш йўли деб қарамайди. Улар бундай сармояларни умумий стратегиясининг бир қисми, деб ҳисоблашади. Ҳорижий тадбиркорларнинг асосий мақсади эртаси бор бўлган бозорда

мустахкам ўрнашиш, молиявий оқимлар устидан назорат ўрнатиш, импорт ва валюта чеклашларини четлаб ўтиш ва баъзан рақобатчи корхонани бозордан сиқиб чиқаришдан иборат. Шу сабабли ҳам хорижий инвесторларга иқтисодиётни кўтаришдаги асосий характерлантирувчи куч сифатида қараш мумкин эмас. Хорижий инвесторларни жалб этиш, чет эл тадбиркорларига имтиёзлар яратишда, авваламбор, мамлакат манфаатидан келиб чиқиш лозим. Шунинг назарда тутиш лозимки, агар корхона устидан назорат хорижлик тадбиркорларга тегишли бўлса, у ҳолда қарор қабул қилиш ва даромад мамлакатдан ташқарига кўчади.

Корхона эгалари нуқтаи назаридан фойдали бўлган қарор мамлакат иқтисодиёти учун зарарли бўлиши мумкин. Мисол учун, агар корхона тугатиладиган бўлса, унинг ходимларининг даромади ҳам йўқолади, давлат даромади қисқаради, бунинг устига, давлат ишсиз ходимларни ишга жойлаштириш харажатларини ўз зиммасига олиши керак бўлади. Айнан шу сабабли ҳам хорижий ҳамкорларни жалб этиш, бу лойиҳада иштирок этаётган барча томонлар манфаатдорлиги мутаносиблигига асосланиш лозим.

Ўзбекистондаги ва шунингдек, иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган бошқа мамлакатлардаги корхоналарнинг кўплаб раҳбарлари хорижий шериклар билан ҳамкорилик қилишга тайёр эканликларини билдиришмоқда. Аммо тадқиқотлар, шу жумладан, мамлакатимизда ўтказилган тадқиқотлар кўрсатишича, уларнинг ҳаракатлари бир-бирига бирмунча зид. Бир томондан, маъмуриятлар ўз корхоналари устидан назоратни сақлаб қолиш истагида бўлса, бошқа томондан, хорижий инвесторлар ўтиш даври учун хос бўлган кўплаб ишлаб чиқариш объектлари ва молиявий муаммоларни ҳал этишни ўз зиммасига олади, деб ҳисоблайди.

Корхона раҳбарлари ва ташқи инвесторлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни қийинлаштирувчи сабаблардан бири сифатида уларнинг инвестицион жараёнини тасаввур этишлари масаласи қийин кечишини тушунишларини кўрсатиш мумкин, Корхона раҳбарларининг фикрича, инвестицион жараёнининг бирмунча мураккаб босқичи сармоя жалб этиш ва

уни сармоядорга қайтариш, яъни ҳамкорликнинг ўзаро олди-берди босқичидан иборат. Олинган маблағни самарали ўзлаштириш ва фойда олиш улар учун муаммо ҳисобланмайди. Уларнинг ўз сармоялари қўйилган корхонани бевосита бошқаришда қатнашишга ёки бундай корхоналарни назорат қилишга интилишлари шу билан изоҳланади.

Айни кунларда бирмунча муҳим муаммолардан бири - янги маҳсулотлар ишлаб чиқара олиш ва ҳозирда тайёрланаётган товарлар сифатини кўтариш, уларни бозорга чиқара олиш ва сотишдир. Бундан келиб чиқадики, сармоя қўйишнинг асосий йўналиши илмий тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ишланмалари, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш, кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда маҳсулот сотиш тизимини ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Фарғона вилоятининг кўплаб корхоналари айланма маблағларнинг сурункали етишмаслиги муаммосини бошидан кечирмокда, бу шу ташкилотлар раҳбарларигагина эмас, балки потенциал инвесторларга ҳам маълум.

Корхона раҳбарлари олинган маблағдан турли-туман имкониятларни қидириб, ўз муаммоларини, аввало, иш ҳақи масаласини ҳал этиб олишга умид қилса. инвесторга ўз сармоясининг бундай келажаги жуда маъкул бўлавермайди. Буни хорижий инвесторлар ўз маблағлари қўйилган корхоналар фаолиятини назорат қилишга уринишларининг яна бир сабаби, деб ҳисоблаш мумкин.

Хорижий сармоялар жалб этишда энг катта тўсиқлардан бири мулкый муносабатлар такомиллаштирилмаганидир. Мисол учун, акционерлар жамияти маъмурияти ўртасидаги ўзаро муносабатлар бўйича бошқарув меъерий ҳужжатларини амалда татбиқ этиш механизмининг яратиш зарур.

Капитал тизимини шундай ислоҳ қилиш зарурки, ниҳоят мулк эгаси ким эканлигини билиш лозим. Бирорта ҳам инвестор эгаси номаълум бўлган корхонанинг акциясини сотиб олмайди. Шу сабабли хусусийлаштирилган

корхоналар фаолиятининг давлат томонидан аниқ чегарасини белгилаш керак.

Ўзбекистонда хорижий сармояларни жалб этишнинг қонуний базаси ҳам такомиллаштиришга муҳтож. қонунда “тартиби қонунларда кўрсатилади” ёки “Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади” каби иборалар иложи борица кам бўлиши лозим. Энг самарали қонунлар тўғридан-тўғри амал қилинадиган қонунлардир. Турли хил талқин этилиши мумкин бўлган ифода усулларида қочиш зарур.

Шундай қилиб, иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб этиш жараёнини оддий схема кўринишида қуйидагича баён этиш мумкин: стратегик мақсад-иқтисодий ҳисоб, таваккалчилик даражасини баҳолаш, уни энг кам даражага тушуриш йўллари топиш. Агар фаолиятнинг бундай узвийлиги аниқ ва тўлиқ бажарилса, у ҳолда хорижий инвестициялар жалб этилишига умид қилиш мумкин.

Корхоналарнинг инвестицион фаоллиги жадаллашувига таъсир этувчи омиллардан яна бири мамлакатдаги валюта сиёсатидир. Албатта бу борада ҳозирги пайтда ижобий силжишларни кўриш мумкин. Чунончи, Марказий банкнинг расмий курслари ва бозор курслари ўртасидаги кескин фарқ қисқартирилиши экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчилар валюта тушумларини расмий сотиши воситасида сезиларли молиявий йўқотишларнинг олди олиниб, уларнинг экспортга маҳсулот ишлаб чиқариш фаолияти рағбатлантирилмоқда. Кейинги асосий масала - юридик ва жисмоний шахслар учун конвертацияни тўлиқ очиб бериш ва валюта муносабатларини тўлақонли эркинлаштириш сиёсатини олға суришдир.

2.3. Фарғона вилояти иқтисодиётига жалб қилинаётган инвестицион лойиҳаларни бошқариш

Инвестициялаш нуқтаи-назаридан инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ва амалга ошириш услубиёти ва услубини ишлаб чиқиш масалалари ғоят муҳим ҳисобланади. Жаҳон амалиётида фақат ҳаётий муҳим

лойиҳаларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатадиган ва кенг тарқалган инвестицион лойиҳалар цикли концепцияси мавжуд.

Инвестицион лойиҳалар цикли концепцияси лойиҳаларни таснифлашни, уларни бошқариш зарурлигини назарда тутди. Лойиҳаларни бошқариш услугиётининг "лойиҳа цикли концепцияси" ва "лойиҳа тахлили" кўринишлари кенг тарқалган. Ушбу концепциялар инвестицияларнинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда пул оқимларини вақтли қиймати концепцияси асосида ташкил этилади.

Лойиҳаларнинг кўлами, тузилмаси, ресурслари, қиймати ва бошқаларга қараб уларни бошқаришнинг махсус усулларига эҳтиёж ортиб боради. Бошқариш аслида қўйилган мақсадларга эришиш вазифасини, лойиҳани амалга ошириш муаммоларини бартараф қилиш, ҳуқуқлар ва масъулиятларни жамлаш вазифаларини кўзлайди. Иқтисодиётнинг глобаллашуви ва интеграциялашуви, лойиҳаларни амалга оширишда чет эллик шериклар, турли субъектлар, молия институтларининг иштирок этиши, уларнинг ҳаракатларини ва фаолиятларини мувофиқлаштиришни талаб этади. Фаолиятнинг мувофиқлаштирилмаслиги лойиҳани амалга оширишда муваффақиятсизликларга, капитални йўқотиш рискининг кучайишига олиб келиши мумкин. Инвестициялар хусусида қарорлар қабул қилишда, инвестиция лойиҳаларини баҳолаш, танлаш ва амалга оширишнинг илмий асосланган услугиёти ва услубидан фойдаланиш масаласи муҳим ҳисобланади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, лойиҳаларни бошқариш энг самарали услугиётдир, чунки бу услугиёт турли режалаштириш ва назорат усулларида малакали фойдаланишда рискларни бошқариш, низоларни ҳал қилиш имкониятларини беради.

Лойиҳани молиялаштириш ва тегишли қарорлар қабул қилиш муаммоларини тадқиқ этишда лойиҳанинг ҳаётий цикли бошланғич тушунча ҳисобланади. Лойиҳани фазаларга бўлиш хилма-хил бўлиши мумкин. Асосийси шундаки, бундай бўлиш энг муҳим назорат нуқталарини очиб

берадиган бўлсин, бу фазалардан ўтиш вақтида қўшимча ахборотларни қараб чиқиш ва лойиҳани ривожлантиришнинг имкони бўлган йўналишларини баҳолаш мумкин. Жаҳон амалиётида лойиҳаларнинг мураккаблигига қараб уларни бошқаришнинг турли усулларида фойдаланилади. Лойиҳаларни барча мавжуд бошқариш усуллари назарда тутилган натижаларга қаратилади, ҳуқуқ ва бурчларнинг жамланганлигига, матрицали ташкил этилганлигига, тўқнашувлар ва муаммоларнинг олдини олишга қаратилади. Лойиҳаларни ишлаб чиқиш, улар самарасини белгилаш, уларни танлаш ва амалга ошириш, шунингдек, уларни ички ва ташқи ресурслар ҳисобидан молиялаштиришда мамлакатнинг халқаро бозорга чиқиши кучли замин ва асос ҳисобланади. Лойиҳанинг келажакка қаратилиши унинг олдиндан айтиб бериш мумкин эмаслигидан далолатдир, шу сабабли инвестиция лойиҳасининг сифат тавсифларини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Инвестиция лойиҳаси одатда, ресурслар ва муайян вақт билан чекланади ҳамда қўйилган мақсадга эришишни кўзда тутди. Шу нуқтаи-назардан, инвестицион лойиҳалар ўзининг такрорланмаслиги ва белгиланган давр мобайнида уникаллик даражаси билан тавсифланади.

Иқтисодиётни модногизациялаш жараёнида инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш учун инвестиция қарорларини қабул қилишнинг барча даражаларида инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, танлаб олиш ва амалга ошириш бўйича ягона мукамал тизимни шакллантириш талаб этилади. Ягона мукамал тизимни қўллашда жаҳон амалиётида синовдан ўтган ва эътироф этилган, инвестицион лойиҳаларни баҳолаш, таҳлил этиш стандарт усулига таяниш зарур. Ушбу усул лойиҳаларни бошқариш услуги ва самарадорлик қўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари эътиборга олишни назарда тутди.

Инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш мамлакатнинг ташқи бозорга чиқиши ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш стратегияси асосида амалга оширилиши зарур. Миллий иқтисодиёт манфаатлари лойиҳаларни танлаш, шунингдек, уларни амалга оширишда устувор ва

асосий мезон бўлмоғи лозим. Инвестицион лойиҳаларни баҳолаш, танлаш ва амалга оширишда асосий эътибор инвестиция имкониятиларининг таҳлиliga, жалб этилаётган ресурслар қийматини баҳолашга қаратилиши талаб этилади. Шунингдек, эътиборни ноаниқликнинг таҳлиliga, рискларни пасайтириш усуллари, уларни инвестиция қатнашчилари ўртасида тақсимланишига қаратиш зарур бўлади. Лойиҳавий таҳлил, самаралилик бўйича ҳисоб-китоблар миллий (сўм) ва чет эл валютасида, валюталар курси истиқболини белгилаш йўли билан, олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги босқичда мамлакатда инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, танлаш ва амалга ошириш тизими босқичма-босқич шаклланмоқда. Халқаро молия институтлари ва хорижий шериклар ҳисобидан молиялаштириладиган ва давлат инвестиция дастурларига киритиладиган лойиҳалар танлови ва тадбиқ этилиши стандарт лойиҳа таҳлиlinи назарда тутадиган чет эл услугиёти асосида амалга оширилади. Хусусий сектор лойиҳалари одатда молиялаштиришнинг мамлакат амалиётини ва лойиҳавий молиялаштиришни чет эл тажрибасини асос қилиб олади.

Ҳамкорликда чет эллик шериклар, халқаро молиявий институтлар билан молиялаштириладиган инвестицион лойиҳалар бўйича қарорлар қабул қилишда жалб қилинадиган манбаларнинг нарх ва қийматларини аниқлаш йўли билан ресурслар базаси ишончилиги ва сифатини баҳолаш зарур. Лойиҳалар ноаниқлиги ва уларда рискларнинг таҳлиli алоҳида аҳамият касб этади. Буларни таҳлил қилишда жаҳон амалиётида ишлатиладиган рискларни пасайтириш усулларида фойдаланиш зарур бўлади.

Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашда пул оқимларини дисконтлаш усули билан амалга ошириш талаб этилади. Инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолашда соф дисконтланган даромад, даромаддорлик индекси, ички даромаддорлик меъёри, харажатларнинг қопланиш муддати кўрсаткичларидан фойдаланиш талаб этилади. Бунда жаҳон амалиётида қўлланиладиган стандарт услугиёт кўрсаткичлардан, уларни ҳисоблаш усулларида ҳамда таққослаш услугидан

фойдаланиш лозим.

Инвестиция қарорларини қабул қилишда инвестиция капитали тузилмасини ва унинг муайян вақт мобайнида тақсимланишини, шунингдек бошқа омилларни ҳисобга олиш керак. Баҳолаш учун илмий асосланган дисконтлаш коэффициентини тўғри танлаш эса муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Инвестициялар бўйича қарорлар қабул қилинар экан, инвестиция капиталининг тузилиши, муайян вақт мобайнида унинг тақсимланиши, шунингдек, пулнинг вақтли қийматини ҳисоблашга имкон берувчи дисконтлашнинг илмий асосланган коэффициентларидан фойдаланишни назарда тутиш керак. Капитал қийматини баҳолаш кўрсаткичлари тизимидан фойдаланишда келажакда истиқболи белгиланаётган ва кутилаётган қийматнинг тахминийлигини; истиқболи белгиланаётган маълумотларнинг ноаниқлигини; муайян мамлакатдаги инвестициялашнинг иқтисодий ва сиёсий рисклари ҳақидаги маълумотларни; илғор тенденциялар тўғрисидаги долзарб маълумотларни ахборот билан амалда таъминланишини; баъзи кўрсаткичларни тахминан баҳоланишининг оқибатларини; тахмин этилаётган рисклар, уларнинг юзага келиш эҳтимоли, пасайиши ва бошқаларни ҳисобга олиш лозим.

Мамлакат ичкарасидаги йирик инвестициялар, чет эллик ҳамкорлар иштирокидаги кўшма корхоналар, бевосита чет эл инвестицияларни жалб қилиш шаклидаги ва бошқалар иштирокидаги инвестиция дастурларига баҳо берилганда инвестиция капитали қийматини баҳолашнинг дисконтланган кўрсаткичларининг яхлит тизимидан фойдаланиш керак.

III-БОБ. ХУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЁРДАМИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1 Худудлар иқтисодиётини инвестиция дастурлари асосида ривожлантириш

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича кенг кўламли ислохотларни амалга оширишда биринчи навбатда ички имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Хусусан, иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича амалга оширилаётган йирик ва стратегик инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда давлат бюджетининг ҳам аҳамияти юқори бўлмоқда.

Корхоналарни техник ва технологик янгилаш, модернизация қилиш ва янги ишлаб чиқариш объектларини куриш, шу орқали янги иш ўринларини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва динамик ривожланишини таъминлаш учун йўналтирилган инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга инвестицион дастури ҳақида”ги ПП-1668 Қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу дастурда белгиланган капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари таркибида давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Буни 3.1.1-жадвал маълумотлари орқали кўришимиз мумкин.

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, 2010 йилги инвестицион дастурда белгиланган капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми 23679,7 миллиард сўмни ташкил қилиб, унинг 24,2 фоизини марказлаштирилган инвестицияларга тўғри келади. 5740,8 миллиард сўмлик марказлаштирилган инвестицияларнинг 1059,2 миллиард сўмлик қисми давлат бюджетидан молиялаштирилади.

Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг самарали ижросини таъминлашда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси алоҳида роль ўйнамоқда.

Ўзбекистон Республикасида 2012 йилги инвестицион дастур капитал
қўйилмаларнинг асосий параметрлари²⁸

№	Молиялаштириш манбаларининг номлари	2012 йилги прогноз, млрд. сўм	Жамига нисбатан фоизда
	Капитал қўйилмалар, жами	23679,7	100
1	Марказлаштирилган инвестициялар	5740,8	24,2
1.	Давлат бюджети маблағлари	1059,2	4,4
2.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди	115,5	0,4
3.	Бюджетдан ташқари фондлар мблағлари	1431,7	6,0
4.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида)	1432,4	6,0
5.	Хукумат кафолатлари асосидаги хорижий инвестициялар(сўм эквивалентида)	1701,9	7,2
2	Номарказлаштирилган инвестициялар	17938,8	75,8

Жамғарманинг асосий вазифалари:

давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан тижорат
банклари, хорижий жамғарма ва инвесторлар ҳамда бошқа манфаатдор
тузилмаларнинг молиявий маблағларини жамлаш;

иқтисодиётни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан
ўзгартириш ва модернизация қилиш борасида устувор вазифаларни амалга
ошириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ғоят муҳим лойиҳаларни
молиялаштириш;

стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган корхоналар, аввало
иқтисодиётнинг базавий тармоқлари корхоналарини янгилаш ва техник
жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини кредитлаш;

ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати, машинасозлик ва рангли
металлургия тармоқларини техникавий қайта қуроллантиришга ҳамда ишлаб

²⁸ Қаранг: www.lex.uz

чиқариш суръати ва ҳажмини оширишга йўналтирилган лойиҳалар молиялаштирилишини таъминлаш;

мамлакатимизнинг турли минтақаларида ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришнинг истиқболли инфратузилмасини шакллантириш бўйича ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга молик миллий давлат дастурлари ва лойиҳалари амалга оширилишини молиялаштириш;

юртимизнинг халқаро коммуникациялар тармоғига интеграциялашуви учун шарт-шароитлар яратадиган, халқаро транспорт йўлаклари ва жаҳон бозорларига энг қисқа йўл билан чиқишини таъминлайдиган транспорт ҳамда телекоммуникациялар инфратузилмасини модернизация қилиш ва ривожлантиришни молиялаштириш;

халқаро молия институтлари, Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларнинг кредит муассасалари билан лойиҳаларнинг қўшма молиялаштирилишини ташкил этишни таъминлаш ҳисобланади.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил қилиниши реал секторнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта қурулантириш, самарали таркибий ислохотларни амалга ошириш ва инвестиция сиёсатини молиявий таъминлашнинг самарали манбалари шаклланишига олиб келди. Айниқса, ушбу жамғарма инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган чора-тадбирлар ижросини изчил таъминлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

3.1.2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини жалб қилиш орқали амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг 2012 йилда йўналтириладиган ҳажми (миллион доллар)

№	Буюртмачилар ва лойиҳанинг номи	йилда йўналтирила диган маблағларини	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларининг улуши, фоизда
	Жами	2 093,7	732,8	34,9
1.	Янги қурилиш	565,2	259,0	45,8

2.	Тезлаштирилган инвестиция лойиҳаларига	1 528,5	473,8	30,9
----	--	---------	-------	------

2012 йилда жамғарма маблағлари ҳисобидан:

а) фаолият юритаётган корхоналар базасида рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш;

б) импорт ўрнини босадиган маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш;

в) қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш ва объектларни ишга тушириш муддатини қисқартириш ҳисобидан тезлаштирилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган. Буни 5.5.2-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

Жамғарма маблағлари ҳисобидан 2012 йилда жами 732,8 миллион доллар ҳажмидаги лойиҳалар молиялаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, жами молиялаштириш манбалари таркибида жамғарма маблағларининг улуши 34,9 фоизни ташкил этади.

Янги қурилиш лойиҳалари учун 259,0 миллион доллар маблағ ажратилиши кўзда тутилган ушбу йўналишдаги жами лойиҳаларни молиялаштириш манбаи таркибида жамғарманинг улуши 45,8 фоизни ташкил этади. Модернизация ва қайта таъмирлаш лойиҳалари учун эса 473,8 миллион доллар маблағ жалб қилиниши кўзда тутилган бўлиб, бу жами молиялаштириш манбалари таркибида 30,9 фоизни ташкил этади.

Юқоридаги маълумотлар асосида хулоса қилиш мумкинки, жаҳон молиявий иқтисодий-инқирози шароитида республикамизда кузатилаётган макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суратларини таъминлашда, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий ислоҳотлар, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишда давлатнинг молиявий қўллаб-қувватлашнинг аҳамияти беқиёс бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, давлат томонидан молиялаштириш тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг амалдаги яхлит ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар билан уйғун равишда олиб

борилаётганининг натижасидир.

Ушбу ўринда хорижлик олимларнинг фикр-мулоҳазалари, тадқиқотларига мурожаат этадиган бўлсак, маркетингшунос олим М.Портер йирик трансмиллий компаниялар ва хорижий инвестицияларни қабул қилувчи мамлакатларнинг стратегияси мавжуд рақобат устунлигидан фойда кўришга асосланганини исботлади. У рақобат устунлигини тўрт йўналишга бўлади: корпоратив бошқарув устунликлари; ишлаб чиқариш омиллари устунлиги; мамлакатдаги талаб ҳажми; кўмакчи ва қўшимча тармоқларга боғлиқ устунлик.

М.Портер ушбу омиллар синтезини “рақобат афзалликлари бриллианти” деб номлайди ва улар капитални четга чиқаришнинг муваффақиятини қафолатлашини назарда тутди. Қўшимча омиллар сифатида эса давлатнинг оқилона сиёсати ва “омадли вазиятлар”ни келтиради. Шунингдек, олим мамлакатда ўзаро боғлиқ ишлаб чиқариш тармоқлари мавжудлиги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар қабул қилувчи мамлакат учун катта рақобат устунликлари ва имкониятларини яратишини исботлайди. Бунинг учун давлат тармоқ ва соҳалар бўйича кластерларни ривожлантиришга туртки бериши кераклигини таъкидлади. Масалан, мамлакатда замонавий озиқ-овқат саноатини ривожлантириш аграр соҳа маҳсулотлари (сут, гўшт, полиз маҳсулотлари, мева ва бошқалар) ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни, шунга мос равишда тегишли ҳажмдаги ўраш ва қадоқлаш ускуналари, замонавий чакана савдо тизими мавжудлигини талаб этади; мамлакатда қишлоқ қурилишини жадаллаштириш учун эса замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни, коммунал хўжалик тизими ҳамда инфратузилма хизматлари ривожланишини тақозо этади.

Юқорида таъкидланган фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда иқтисодиёт бирёқлама эмас, балки кўпёқлама, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш орқали комплекс ривожлантириб борилмоқда.

Юртбошимизнинг “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга

кўтарадиган йил бўлади” номли маърузасида таъкидланганидек, “Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга йўналтирилаётган капитал қўйилмалар ҳажми анча ошиб, ўтган (2011 йилга) йилга нисбатан уларнинг ўсиш суръатлари 109,3 фоизни, ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса 24,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Шунингдек, хорижий инвестициялар ва жалб қилинадиган кредитлар ҳажми 16 фоизга кўпайиб, 3 миллиард 300 миллион доллардан ошади. Мазкур маблағнинг 2 миллиард 300 миллион доллардан ортиғи ёки қарийб 70 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этиши, айниқса, эътиборлидир. Бу хорижий инвесторларнинг иқтисодиётимизнинг мустаҳкамлиги ва барқарорлигига, энг муҳими, Ўзбекистон тараққиётининг истикболига бўлган қизиқиши ва ишончи тобора ортиб бораётганидан яққол далолат беради”²⁹.

Инвестиция сиёсати нафақат капитал маблағлар миқёсини оширишни, балки уларнинг такрор ишлаб чиқариш таркибий тузилмасини такомиллаштиришни, инвестицияларни кўпроқ самарали ва рақобатдош ишлаб чиқаришларга йўналтиришни кўзда тутди.

2012 йилнинг инвестиция дастури прогноз кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, жами капитал қўйилмалар 23 679 70 миллион сўмни ташкил этиши режалаштирилган. Бу ўтган йилга нисбатан 14,2 фоизга кўп демакдир. Режа бўйича марказлашган инвестициялар умумий капитал қўйилмаларнинг 24,2 фоизини, марказлашмаган инвестициялар эса 75,8 фоизни ташкил қилиши белгилаб қўйилган. Бу йилги инвестицион дастурда молиялаштиришнинг яна бир манбаси бўлмиш Олий таълим муассасаларининг моддий техник базасини ривожлантириш жамғармаси³⁰ ҳисобидан 46997,6 миллион сўм маблағ иқтисодиётимизга йўналтирилиши

²⁹ Ислон Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012 йил, 19-бет.

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 сентябрдаги Ф-3501 сонли фармойишига биноан ишлаб чиқилган “2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассис тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш Дастури”га мувофиқ ташкил этилган жамғарма хусусида гап бормоқда.

кўзда тутилган.

Ҳар доимгидек, корхона ва аҳоли маблағларининг улуши бошқа манбаларга нисбатан юқори бўлиб, марказлашмаган инвестицияларнинг 56,1 фоизини ташкил этмоқда. Маълумки, инвестицияларни молиялаштириш манбалари бўйича таркибининг шаклланиши иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнлари билан боғлиқ. Ишлаб чиқарувчиларга солиқ юкини пасайтиришга қаратилган солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар корхоналарнинг ўз маблағлари кўпайишига имконият яратди. Молиялаштириш манбалари бўйича марказлашмаган инвестициялар умумий таркибида уларнинг улуши 2000 йилда 27,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 38,1 фоиз бўлиши режалаштирилган.

3.1.3-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилдаги инвестиция дастурида кўзда тутилган капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари³¹

№	Молиялаштириш манбаларининг номланиши	2012 йил прогнози, миллион сўм
	Жами капитал қўйилмалар, <i>шундан:</i>	23 679 701
1.	Марказлашган инвестициялар:	5 740 892
1.1.	Бюджет маблағлари	1 059 354,4
1.2.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	115 560
1.3.	Бюджетдан ташқари фонлардан, <i>жумладан:</i> - Республика йўл жамғармаси - Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси - Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси - Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси	1 431 777 680 796 158 147 545 836 46 997,6
1.4.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида)	1 432 400

³¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1668-сонли Қарори. 1-илова.

1.5.	Давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида), шундан: <i>Қишлоқ жойларда уй-жойларни қуриш (сўм эквивалентида)</i>	1 701 901 301 564
2.	Марказлашмаган инвестициялар:	17 938 809
2.1.	Корхона маблағлари	6 835 725
2.2.	Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, шу жумладан: <i>АТБ “Қишлоқ қурилиш банки”нинг қишлоқ жойларда уй-жойларни қуриш учун имтиёзли кредитлари</i>	3 524 824 222 070
2.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида)	4 340 656
2.4.	Аҳоли маблағлари	3 237 604

Мамлакатимизда инвестиция муҳитининг барқарорлиги ва инвестицион жозибадорликнинг тўғри йўлга қўйилгани ҳам хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун замин бўлмоқда. 2012 йилда сўм қийматида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг ажратилиши 4 340 656 миллион сўмни ташкил этиши режалаштирилган. Инвестицион жозибадорлик объект сифатида муайян бир миқёсда, яъни биронта лойиҳа, корхона, минтақа, тармоқ ҳамда мамлакат даражасида кўрилиши мумкин. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур тизимда корхона асосий таянч нукта ҳисобланиб, ҳар бир инвестиция лойиҳаси муайян бир корхона миқёсида амалга оширилади, ушбу корхона эса иқтисодий фаолият туридан келиб чиқиб, муайян тармоққа (соҳага) тегишли бўлади. Шунингдек, у маълум бир минтақада жойлашгани сабабли минтақавий инвестиция жозибадорликни акс эттирса, барча минтақалар бирлаштирилганда мазкур кўрсаткич мамлакат даражасида акс эттирилади³².

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари муҳим инвестиция институти ҳисобланади. Чунки иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ва модернизация қилиш, корхоналарда ишлаб чиқаришни технологиялар билан

³² Эргашев И. Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион жозибадорликни оширишнинг иқтисодий аҳамияти ва омиллари./ Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 2-сон, 122 б.

қайта жиҳозлаш мақсадида қўйиладиган инвестицияларни маблағлар билан таъминлашни банклар иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан, 2012 йилги Инвестиция дастурида 3524824 миллион сўм маблағ айнан тижорат банклари томонидан кредит маблағлари сифатида йўналтирилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу рақам умумий марказлашмаган инвестицияларнинг 19,6 фоизини ташкил этмоқда.

Иқтисодиётнинг етакчи, авваламбор базавий тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни ва шунингдек, самарали таркибий ўзгаришлар ва инвестиция сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 2006 йилда ташкил этилган, низом фонди бугунги кунда қарийб 7 миллиард доллардан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг роли тобора ортиб бормоқда, ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан 2012 йилда 1 432 400 сўм сарфланиши режалаштирилган (3.1.3-жавдал).

Жамғарманинг энг асосий вазифаларидан бири – иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ривож, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг шаклланиши билан боғлиқ устувор вазифаларни амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган стратегик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдан иборат.

Ҳозирги пайтда жамғарманинг инвестиция портфелида умумий қиймати 18,5 миллиард доллардан ортиқ 55 инвестиция лойиҳаси мавжуд. Шунинг 4,3 миллиард доллари жамғарма маблағлари ҳисобидан биргаликда молиялаштирилади.

Жамғарма фаолият юритаётган давр мобайнида умумий қиймати 1,7 миллиард долларни ташкил этадиган 16 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳал этадиган яна бир муҳим вазифа хорижий инвесторлар, молия институтлари ва шерикларни инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш в амалга ошириш мақсадида мамлакатимизга кенг жалб этиш ҳисобланади. Жамғарманинг

қўшма лойиҳаларда иштирок этиши Осий тараққиёт банки, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги, Ислон тараққиёт банки, Хитой экспорт-импорт банки, Хитой давлат тараққиёт банки, Корея тараққиёт банки ва бошқа хорижий молия институтлари, банк ва компанияларнинг маблағлари ҳисобидан 3,2 миллиард доллардан зиёд чет эл инвестицияси ва кредитларини жалб этиш имконини берди³³.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз ҳудудларининг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш республикамызда юритилаётган иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири бўлмоқда. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиши, турмуш шароитларининг яхшиланиши ҳам бевосита уларнинг иқтисодиёти ривожланиши билан боғлиқ. Мамлакат иқтисодиёти ҳудудлардан таркиб топган бир бутун тизимни ташкил этгани сабабли, унинг ҳар бир минтақасидаги ривожланишни таъминлаш мамлакатимизнинг узлуксиз тараққиётига замин яратади. Шундай экан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда мамлакат ва унинг минтақаларида яратилган инвестицион жозибадорлик ва нисбий афзалликлар муҳим ўрин тутди. Айнан ушбу омилларга инвесторлар томонидан алоҳида эътибор берилди. Ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини аниқлашда турли услублардан фойдаланилади. Уларнинг бир-биридан фарқи инвестицион муҳитни белгиловчи кўрсаткич ва индикаторларни танлаб олишда намоён бўлади.

Юртимиз олимларининг тадқиқотларига кўра, минтақаларнинг инвестицион жозибадорлик индекси олтига элемент асосида ҳисобланади ва шу бўйича интеграл индекс аниқланади. Олинган маълумотларга кўра, минтақаларнинг инвестицион жозибадорлигини урта гуруҳга бўлиш мумкин (3.1.4-жадвал).

Биринчи гуруҳга Тошкент шаҳри, Тошкент, Қашқадарё, Андижон ва

³³ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 58-59 б.

Фарғона вилоятлари киради ҳамда улар инвесторлар учун энг қулай ҳисобланади (индекс 0,755-0,347). Инвестицион жозибадорликнинг юқори бўлиши ушбу ҳудудларда табиий-иқтисодий салоҳият, инфратузилма, жумладан, транспорт ва ахборот коммуникацияларининг ривожланиш даражаси юқорилиги билан белгиланади.

3.1.4-жадвал

Ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини аниқлаш элементлари

№	Ҳудудлар	Ҳудуднинг умумий иқтисодий ривожланиш даражаси	Ҳудуднинг молиявий ресурслар билан таъминлиши	Инвестицион инфратузилма ривожланиш даражаси	Ҳудуднинг демографияси	Институционал ўзгаришлар ва ривожланиш даражаси	Ҳудуднинг инвестицион фаолият хавфсизлиги даражаси	Мутлақ интеграл ранг кўрсаткич
1	Қорақалпоғистон	0,0064	0,121	0,085	0,222	0,559	0,535	0,234
2	Андижон	0,341	0,151	0,276	0,426	0,560	0,594	0,367
3	Бухоро	0,304	0,144	0,165	0,413	0,509	0,511	0,315
4	Жиззах	0,198	0,049	0,075	0,388	0,496	0,506	0,151
5	Қашқадарё	0,362	0,542	0,266	0,382	0,370	0,386	0,382
6	Навоий	0,536	0,189	0,218	0,348	0,348	0,439	0,338
7	Наманган	0,141	0,118	0,183	0,374	0,531	0,554	0,285
8	Самарқанд	0,181	0,234	0,154	0,401	0,607	0,522	0,322
9	Сурхондарё	0,150	0,101	0,104	0,324	0,549	0,422	0,250
10	Сирдарё	0,185	0,037	0,147	0,320	0,317	0,723	0,247
11	Тошкент	0,434	0,197	0,366	0,493	0,611	0,362	0,404
12	Фарғона	0,317	0,241	0,331	0,470	0,289	0,573	0,347
13	Хоразм	0,171	0,113	0,199	0,310	0,529	0,535	0,284
14	Тошкент ш.	0,837	0,793	0,701	0,820	0,580	0,845	0,755

Иккинчи гуруҳни Самарқанд, Бухоро, Навоий ва Наманган вилоятлари ташкил этади (индекс 0,322-0,288). Ушбу ҳудудлар хорижий инвесторларнинг мавжуд қазиб олувчи ва қайта ишлаш корхоналари фаолият кўрсатаётганига қизиқиши билан белгиланади.

Учинчи гуруҳга нисбатан кам ривожланган ҳудудлар – Хоразм, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси киради (0,284-0,234). Юқорида қайд этилган ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишда давлатнинг иштироки юқори бўлиши лозим.

3.2. Иқтисодиётини инвестициялар ёрламида ривожлантиришни бошқариш

Мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамасдан, юқори иқтисодий ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий барқарорлик таъминланиб келинаётгани иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича биз танлаган моделнинг нақадар тўғри ва ҳаётӣ асосга эга эканини яна бир бор тасдиқламоқда.

Юритимиздаги макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни ўзида акс эттирадиган кўрсаткичлар ислоҳотлар стратегиясининг муваффақиятини, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни ривожлантиришнинг устувор йўналишларида эришилган ютуқларнинг амалӣ ифодасидир.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилган чоратадбирлар ЯИМ умумӣ ҳажмининг барқарор ўсишига олиб келди. 2007-2011 йиллар давомида ўртача йиллик иқтисодий ўсиш кўрсаткичи 8,5 фоизни ташкил этгани халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоӣ иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 майдаги ПФ-3751 сонли фармониға кўра ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг роли ортиб бораётгани қайд этиб ўтилди.

Иқтисодиётнинг етакчи, энг аввало базавий тармоқларини модернизация қилиш ва техникавий қайта қуроллантириш лойиҳалари амалга оширилишини таъминлаш, мамлакатни муттасил, барқарор ва мутаносиб равишда ижтимоӣ-иқтисодий ривожлантиришға эришиш, шунингдек,

самарали таркибий ва инвестициявий сиёсатни амалга ошириш мақсадида ташкил этилган мазкур жамғарма ўзига юклатилган вазифаларни муваффақиятли адо этиб келмоқда.

Фонднинг низом жамғармасини 5 миллиард доллардан 2014 йилга қадар босқичма-босқич 10 миллиард долларга етказиш бўйича қабул қилинган қарор ижроси натижасида 2012 йил бошига келиб унинг миқдори 9 миллиард доллардан ошиб кетди.

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун 2009 йилда 245,5 миллион доллар, 2010 йилда эса 330 миллион долларлик жамғарма маблағлари ўзлаштирилди. “2012 йилда Жамғарма маблағлари ҳисобидан саноат ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг етакчи тармоқларида 758 миллион доллардан зиёд ҳажмдаги 29 та стратегик инвестиция лойиҳасини биргаликда молиялаш мўлжалланмоқда, бу ўтган йилга нисбатан 38,2 фоизга кўп демакдир”.

2012 йилда Жамғарма чет эллик инвесторлар билан ҳамкорликда Устюрт ГKK қурилиши, Шўртан ГKKда синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқаришни ташкил этиш, “Муборак газни қайта ишлаш заводи” унитар шўъба корхонасида газ-кимё комплексини ишга тушириш, Толлимаржон ИЭС қувватини ошириш лойиҳаларини молиялаштиришда иштирок этади.

Ҳаммаси бўлиб Жамғарма Навоий ва Олмалик ТМКларида, “Ўзнефтегаз” МХК, “Ўзбекистон Темир йўллари” ДАТЙК, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК, “Ўзкимёсаноат” ДАК, “Ўзбекэнерго”ДАК тизимида ва бошқа йўналишларда янги қувватларни яратиш бўйича 444,55 миллион доллар маблағ билан, мавжуд қувватларни модернизация ва реконструкция қилиш борасидаги лойиҳаларни амалга оширишда эса 167,85 миллион долларлик маблағ билан иштирок этиши кўзда тутилган.

2011-2015 йилларда таркибий ўзгаришларни, иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини диверсификация ва модернизация қилишни изчил давом эттириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, шунингдек, транспорт, муҳандислик, коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни

ривожлантириш жараёнларини янада чуқурлаштиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсати олиб борилади.

Ушбу мақсадлар учун 2011-2015 йиллар давомида охирги беш йил мобайнида ўзлаштирилган инвестицияларга қараганда 2 баробар кўп, жами 77,4 миллиард доллар миқдоридаги инвестицияларни йўналтириш мўлжалланмоқда. Асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши 24 фоиздан кам бўлмаслиги таркибий ўзгартиришларни жадал амалга ошириш ва иқтисодиётни модернизация қилишни таъминлайди.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг асосий ҳажми ички ресурсларни сафарбар қилиш ҳисобидан амалга оширилади. Келгуси йилларда бу кўрсаткич ялпи капитал қўйилмалар ҳажмининг 76 фоизини ташкил этади.

Бу маблағлар, аввало, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни амалга ошираётган корхоналарнинг ўз маблағларини кўпайтириши, солиқ юкини янада камайтириш, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидан оладиган даромадларини ошириш ҳисобидан ҳосил бўлади.

Стратегик муҳим, биринчи навбатда, инфратузилмани шакллантириш, ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва модернизация этишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишга ички ресурсларни жалб этишда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур жамғарманинг таркибий ўзгаришлардаги тобора ортиб бораётган ролини инобатга олган ҳолда, яқин йилларда унинг ҳисобида 10 миллиард доллардан зиёд маблағ жамланади.

2011-2015 йилларда ёқилғи-энергетика тармоғини, машинасозлик ва автомобилсозликни ривожлантириш, электр энергетика соҳасида энергия ишлаб чиқариш қувватларининг самарадорлигини ошириш ва диверсификация қилиш, металлургия саноатини комплекс модернизация этиш, транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга

қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан 4,7 миллиард доллардан зиёд маблағ йўналтирилади.

Мазкур жамғарманинг энг муҳим вазифаларидан бири стратегик инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш мақсадида йирик хорижий инвестор ва шерикларни жалб этишдир. Масалан, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ва Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга оширилаётган, умумий қиймати 1,28 миллиард долларга тенг бўлган Толимаржон иссиқлик электр станциясида иккита буғ-газ мосламасини қуриш лойиҳаси шулар жумласидандир.

Келгуси йиллардаги устувор йўналишлардан бири мамлакатимизда, энг аввало, жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш, чет эл инвесторлари учун қафолатлар яратиш ҳамда уларнинг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида янада қулай инвестиция муҳитини шакллантиришдан иборат.

Бу вазифаларни амалга ошириш 2011-2015 йиллар давомида 13 миллиард доллардан зиёд ёки ўтган беш йилдагига нисбатан 1,7 баробар кўп тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини таъминлайди. Ушбу маблағлар энг илғор технологиялар билан жиҳозланган ва хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ҳамда рақобатдош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратишга хизмат қиладиган янги саноат корхоналарини ташкил этиш бўйича чет эл инвесторлари иштирокидаги 320 тадан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишга йўналтирилади.

Бундай лойиҳалар ҳақида сўз борганда, аввало Сургилъ кони базасида Устюрт газ-кимё мажмуасини барпо этиш, Шўртан газ-кимё мажмуасида тозаланган метан базасида суюлтирилган синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш, Муборак газ-кимё мажмуасини қуриш, Қандим гуруҳи конларини ўзлаштириб, газни қайта ишлайдиган завод барпо этиш, Навоий вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқарадиган замонавий комплекс қуриш, автомобиль двигателлари, катта ҳажмда юк ташийдиган “МАН”

автомобиллари, “Мерседес Бенц” шассиси базасида кўп ўринли автобуслар, “Клаас” компанияси билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, техник ва поликристалл кремний ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклига эга бўлган вертикал интеграциялашган текстиль мажмуаларини, тайёр дори препаратларини ишлаб чиқарадиган корхоналарни барпо этиш ва бошқа лойиҳаларни қайд этиш мумкин.

Иқтисодий таркибий ўзгартиришда Ўзбекистон йирик халқаро молия институтлари, ҳукумат ташкилотлари ва хорижий банклари, биринчи навбатда мамлакатимиз билан йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга катта қизиқиш билдираётган Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, Япония, Жанубий Корея ва ХХР тараққиёт банклари, қатор араб давлатларининг инвестиция фондларини жал этиш масаласига катта аҳамият беради.

Айнан ана шу ҳамкорликнинг молиявий кўмагида келгуси йиллар давомида Ўзбек миллий автомагистрали участкаларини қуриш, ичимлик суви билан таъминлаш тизимларини барпо этиш ва реконструкция қилиш, қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, поливинилхлорид ва каустик сода ишлаб чиқариш бўйича янги мажмуа барпо этиш, қишлоқ хўжалиги техникаси ва автомобиль шиналарини ишлаб чиқаришни ташкил этиш каби кўплаб лойиҳалар амалга оширилади.

2012 йилда амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳалари: 2012 йилда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва хорижий компаниялар томонидан жами 7,5 минг тонна сиғимга эга бўлган 3 та совутиш камерсини барпо этиш белгиланган.

Бир сўз билан айтганда, 2011-2015 йилларда жами хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 18,6 миллиард долларни ташкил этиши ёки ўтган беш йилдагига нисбатан 2 баробар кўп бўлиши прогноз қилинмоқда. Уларнинг 75 фоиздан ортиғини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этади. Бу

борада қарз маблағлари узоқ муддатли асосда фақат ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш, иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, шунингдек, хорижий молиявий институтларнинг кредит линияларини мамлакатимиз тижорат банклари орқали қайта молиялаштириш йўли билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга жалб этилади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида давлатни илмий-техника сиёсатининг моҳияти республика ички талабини тез қондирадиган, жаҳон бозорида рақобатбардош бўла оладиган, иқтисодиёт тармоқларини тубдан янгиланишига имкон берадиган илмий технологик тадқиқотларга, инновацион жараёнларга кўмаклашишдир.

Инвестициялар замонавий техника ва технологиялар билан қуролланиш, илмий-техник, ишлаб чиқариш ва ақлий имкониятларини тиклашнинг асосий воситадир. Айнан хорижий инвестициялар орқали миллий иқтисодиёт жонланиб, ишлаб чиқариш замонавий, рақобатдошлар товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашиб боради. Бу эса ўз навбатида янги иш ўринларининг ташкил этилиши ва мамлакатдаги мавжуд иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг ҳал бўлишига олиб келади.

Инвестиция муносабатларининг давлат томонидан тартибга солиниши ҳуқуқий шароитлар яратиш, ушбу фаолиятни юритиш учун кафолатлар бериш, бу фаолият субъектларини суғурталаш ва бошқа воситалар орқали ижтимоий ёки давлат манфаатларини амалга ошириш йўлида ташкил этилади.

Хорижий инвестициялар - бу чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлақ бошқа давлат иқтисодиётининг, тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулкӣ, молиявий, интеллектуал бойликлардир. Хорижий инвестициялар қўшма корхоналар ташкил этиш, хорижий инвесторларга тўлиқ тегишли бўлган корхоналарни яратиш, хусусийлаштиришда қатнашиш, хорижий шериклар билан банк тузиш, қимматли қоғозларни сотиб олиши, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишда, эркин иқтисодий ҳудудларда фаолият олиб боришда жуда катта ва муҳим аҳамиятга эгадир.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг асосий ва айланма ишлаб

чиқариш фондларида инвестицияларни молиялаштиришнинг ўзига хос манбалари шакллантирилган бўлиб, бундай манбалар корхоналарнинг ўз-ўзини молиялаштириш тамойилларига асосланади.

Глобаллашув жараёнига қўшилиш - бу дунёнинг етакчи давлатлари билан ҳамкорликда бўлиш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳадаги давлат сиёсатининг ўзаро манфаатли асосда бу давлатлар сиёсатига мос келишидир. Глобаллашув жараёнига иқтисодий эркинлаштириш, илмий-техник тараққиётнинг тезлашиши, рақобатнинг кучайиши ва бошқа бир катор омиллар ҳам хосдир.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакат иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг тутган ўрни, салмоғи мазкур давлатдаги инвестицион муҳитнинг қанчалик қулайлигини белгилайди. Бу муҳит кўп жihatдан хорижий инвестицияларга нисбатан давлат олиб бораётган сиёсатини ва ташқи иқтисодий фаолиятининг давлат томонидан тартибга солишнинг хусусиятлари билан баҳоланади.

Бозор иқтисодиёти ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодий эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустақамлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳажми тобора ортиб бораётган хорижий инвестицияларни жалб қилишда ижобий таъсир кўрсатади.

Инвестиция дастурларида муайян даврда амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳалар, уларнинг бажарилиш босқичлари ва сарфланиши кўзда тутилган маблағлар қиймати ҳудудлар ва тармоқлар бўйича акс эттирилади. Инвестиция дастурлари узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб, унда ҳар бир йил учун мўлжалланган чора-тадбирлар алоҳида ифодаланган бўлади.

Мамлакатимиз ва унинг алоҳида ҳудудлари иқтисодиёти самарадорлиги бевосита инвестиция сиёсатининг тавсифи ва миқёсларига боғлиқ. Инвестициялар республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ҳудудий тафовутлар ва номутаносибликларни қисқартиришнинг муҳим

воситаси бўлиб, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ҳудудларда мавжуд табиий-иқтисодий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга ва шу орқали иқтисодиётнинг ҳудудий таркибини такомиллаштиришга имкон беради.

Ҳудудлардаги инвестицион муҳитини шакллантиришнинг ҳозирги босқичи иқтисодий ўсиш йўлига ўтиб олиш билан изоҳланади. Бундай ўсиш алоҳида инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб этадики, у тараққий этган мамлакатлар тажрибасига, инвестиция ресурслари ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш сифатида маблағлардан фойдаланишнинг мавжуд имкониятларига таяниши лозим бўлади. Чет эл инвестицияларини жалб этмай туриб, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган ишлаб чиқаришнинг ташкил этилишини таъминлаш мумкин эмас.

Ҳудудлар инвестиция жараёнларини изга солиб туришнинг иқтисодий асосларини яратиш, ишлаб чиқилган сиёсатни амалга оширишга имкон туғдирувчи шарт-шароитни таъминлаш инвестиция сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, ҳудудларда қулай инвестицион муҳит яратишга айнан шу йўл билан эришиш мумкин.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳукм сураётган айти дамда, иқтисодиётнинг реал сектор корхоналарини, шунинг билан бирга инфратузилма объектлари ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида инвестицион маблағларни топиш ва уларни мақсадли йўналтириш муҳим омиллардан бирига айланмоқда

Экспорт ҳажмини ошириш, унинг таркибини такомиллаштириш, умуман ташқи савдо айланмасини диверсификация қилиш иқтисодиётимиз таркибий тузилишида сифат ўзгаришларига эришиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш орқали иқтисодий юксалиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада кўтариш мақсадларига хизмат қилади.

Бугунги кунда экспортни ривожлантириш бу макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, инвестицион фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган давлатнинг

умумий иқтисодий сиёсатининг ажралмас бир қисмидир.

Кейинги йилларда экспорт соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётини тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, қисқа муддатда мутлақо янги, локомотив ролини бажарадиган тармоқларни барпо этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурларини амалга ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш борасида ўз вақтида бошланган, чуқур ўйланган ва узоқ истикболга мўлжалланган ишларнинг натижасидир.

Олиб борган изланишларимиз, Фарғона вилояти ҳудудларига хорижий инвестицияларни жалб қилишда қуйидаги муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда:

- инвестиция инфратузилмасининг ривожланмаганлиги-банклар, инвестиция фондлари, суғурта ва лизинг компаниялари фаолиятини рағбатлантириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда уларнинг иштирокини самарали йўлга қўйиш;

- тадбиркорларнинг бизнес-кўникмалари, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари билан ишлаш тажрибаси ва ҳуқуқий билимларининг етарли эмаслиги-ҳудудларда консалтинг, маркетинг ва юридик хизмат кўрсатувчи марказлар ташкил этиш ва фаолиятини ривожлантириш;

- инвестиция таклифлари ва лойиҳа техник-иқтисодий асосларининг белгиланган талабларга жавоб бермаслиги-тадбиркорларга инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда тижорат банклари, ҳудудлапрдаги савдо-саноат палатаси ва бошқа масъул идоралар томонидан амалий ёрдам кўрсатилишини маҳаллий ҳокимликлар томонидан ташкил этиш ва доимий назоратга олиш;

- лойиҳа ташаббускорлари молиявий-иқтисодий ҳолатининг ночорлиги-инвестиция дастурлари ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурларга киритиш таклиф этилаётган лойиҳалар

ташаббускорларининг молиявий-иқтисодий ҳолатининг маҳаллий ҳокимликлар ва тижорат банклари томонидан чуқур таҳлил қилиниши;

-маҳаллий ҳокимликларнинг хорижий инвесторларни ҳудуд тўғрисида тўлиқ инвестицион муҳитга оид маълумотлар билан таъминлашда фаол иштирок этмаётганлиги-хорижий инвесторларни тўлақонли равишда ахборот билан таъминлаш учун ҳар бир ҳудуд бўйича «Вилоят инвестиция салоҳияти» вэб-порталини ташкил этиш, инвестиция фаолиятига оид конференциялар, семинарлар ва тақдимотлар ўтказиш.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этилиши Фарғона вилояти иқтисодиёти тармоқлари ва корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажмини ортиши, мамлакат экспорт салоҳиятини юксалиши, аҳоли даромадларини ошишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Президент Фармонлари ва асарлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т: Шарқ, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. - Т: Адолат, 1996.- 577 б.
3. Чет эл инвестициялари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1998 йил 30 апрель. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. - 1998. - 19 сон. - Б.136-149.
4. Чет эл инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1998 йил 30 апрель. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. - 1998. - 19 сон. - Б. 152-159.
5. Инвестиция фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрь қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. - 1999. - 1 -сон, 10-модда.
6. "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар туғрисида"ги 2005 йил 11 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.
7. "Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2005 йил 15 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. - 266 б.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.- Т.: “Ўзбекистон”, 1996. - 364 б.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. - 365 б.
11. Каримов И.А. Иқтисодётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишимиз - бош йўлимиз. //"Халқ сўзи", 15 феврал 2002 йил 3-бет.

12.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2009.

13.Каримов И.А.Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузаси. – “Халқ сўзи” газетаси.

14.Каримов И.А. Ўзбекистон халқига янги йил табриги. – “Халқ сўзи” газетаси.

15.Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тарақиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14 (5434).

16.Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси- Т.: Ўзбекистон, 2010.

17.Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1998.

18.Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2011 йил 8 декабрь.

19.Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир.–Т.: 19.Т. Ўзбекистон, 2011.

20.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

21.Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

22.Каримов И.А.«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

II. Китоблар ва рисолалар

23..Абдуллаева Ш.З. "Банк рисклари шароитида тажорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш", Докторлик диссертацияси автореферати, Т: 2000.

25.Абдуллаева Ш.З. "Банк рисклари ва кредитлаш", Т: Молия, 2002. – 303б

26.Алексанов Д.С., Кошелев В.М. "Экономическая оценка инвестиций". – М: "Колос- Пресс", 2002.,-382с.

27.Артыков Н.А., Бублик Г.П. и др. Анализ и управление проектами. Часть1. –Т.: 2000

28.Бауэр Рой. "Управление инвестиционным проектом". – М:ИНФРА – М, 1995.-208с

29.Балацкий Е., Павличенко Р. "Иностранные инвестиции и экономический рост": теория и практика исследования/ Мировая экономика и международные отношения. – 2002г.-№1.-С. 52-64

30.Беляков. А.В. "Банковские риски: проблемы учета, управления и регулирования" :Управленческая методическая разработка / - М: Издательская группа "БДЦ-пресс", 2004г. -256 с.

31.Боди З., Кейн А., Маркус А. "Принципы инвестиции" 4-е изд. - М: Изд.дом "Вильямс", 2002.,-984с.

32.Бочаров В.В. "Инвестиции: Инвестиционный портфель. Источник

финансирования. Выбор стратегии". СПб: Питер, 2002.,-286с.

33.Вахрин П.И. "Организация и финансирование инвестиций", (Сборник практических задач и конкретных ситуаций): Уч. пособия. – М.: Информационный центр "Маркетинг", 1999.-152с.

34.Волков И.М., Грачева М.В. "Проектный анализ": Учебное пособие. МГУ им.М.В.Ломоносова Экономический фак-т. - М: ИНФРА-М, 2004г. - 495 с.

35.Гайбуллаев "Инвестиция иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услубиятини такомиллашгариш"/ "Бозор, пул ва кредит". - Т.2002, №9-10 бет.38-41.

36.Гранатуров В.М. "Экономический риски". - М.1999.,-112с.

37.Грачева М.В. "Анализ проектных рисков": Учебное пособие. - М: ЗАО "Финстатинформ", 1999.-216 с.

38.Грюнинг Хенни ван "Анализ банковских рисков: Система оценки корпоративного управления и управления финансовым риском". Пер. с англ./ Хенни ван Грюнинг, Б.С.Брайович. -М: "Весь Мир", 2004 г. -304 с.

39.Гейзлер П.С., Завьялова О.В. "Управление проектами": Практическое пособие - Минск: Книжный дом; Мисанта, 2005г. -288 с.

40.Ғозибеков Д.Ғ., Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: "Молия" нашриёти, 2003 йил. 332 бет.

41.Ғозибеков Д.Ғ., Сабилов О.Ш. ва бошқалар "Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти": Ўқув қўлланма / Ўзбекистон Банклари Ассоциацияси; Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. - Т.: "fan va texnologiya", 2004, -308 б.

42.Дитхелм Герд «Управление проектами» В 2-х томах: Пер. с нем./ Герд Дитхелм. - СПб: Бизнес-пресса, 2004г.

43.Ендовицкий Д.А., Гиляровская Л.Т. "Комплексный анализ и контроль инвестиционной деятельности": Методология и практика, М: Финансы и статистика, 2001,-400с.

44.Жураев А.С., Хужамкулов Д.Ю., Маматов Б.С. "Инвестиция лойиҳалари таҳлили": Ўқув қўлланма. Т., "Шарқ", 2003,-256б.

45. Колтышюк Б.А. "Инвестиционные проекты": Учебник 2-е изд. - СПб: Издательство В.А. Михайлова, 2002. - 622с.
46. Крушвиц Л., Шваке М. "Финансирование и инвестиции": Сборник задач и решений. Перевод с нем. – СПб.: Питер, 2001, - 320с.
47. Липсиц И.В., Косов В.В. Экономический анализ реальных инвестиций. – М.: Экономист, 2003 год.
48. Лаврушин. О.И. "Банковское дело": Учебное пособие. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2004г. - 672 с.
49. Мазур И.И. «Управление проектами»: Учебное пособие 3-е издание – М.: Омега-Л, 2004г. - 664 с.
50. Панов А.Н. "Инвестиционное проектирование и управление проектами" / Учебное пособие. - М: Экономика и финансы, 2002, - 200с.
51. Радионова С.П. "Оценка инвестиционных ресурсов предприятий": - СПб: "Альфа", 2001г. - 208 с.
52. Самарходжаев Б. "Инвестиции в Республике Узбекистан": (Международно-частноправовой аспект) - Т., "Академия", 2003., - 240с.

III. Журналдаги мақолалар

53. Балацкий Е., Павличенко Р. "Иностранные инвестиции и экономический рост": теория и практика исследования/ Мировая экономика и международные отношения. – 2002г.-№1.-С. 52-64
54. Гайбуллаев "Инвестиция иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услубиятини такомиллашгариш"/ "Бозор, пул ва кредит". - Т.2002, №9-10 бет.38-41.
55. Ғозибеков Д.Ғ., Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ва лизинг. //Бозор, пул ва кредит. - 1999. Май, 5 сон. - Б. 50-53.
56. Ғозибеков Д.Ғ., Ўзбекистон Республикаси минтақаларида инвестицион муҳитни барпо этиш ва уни такомиллаштириш муаммолари. "Инвестицион муҳит ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг минтақавий муаммолари" мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллига,

Фарғона Давлат Университетнинг 70 йиллиги ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури I босқичининг якунларига бағишланган илмий амалий конференция тезислари тўплами. 25-26 май, Фарғона, 2001.

57.Ғозибеков Д.Ғ., «Ўзбекистонда инвестициявий муҳит ва уни яхшилаш йўллари». "Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш жараёнида эркинлаштириш ва жаҳон тажрибасини қўллашнинг долзарб муаммолари". Мавзусидаги халқаро илмий - амалий конференция тўплами. БМА, 30 май, Тошкент, 2001.

58.Каримов Н. "Банковское кредитование инвестиционных проектов", / "Бозор, пул ва кредит". - Т.2002 - №9-10. стр.22-25.

59.Комаров В.В. "Инвестиции в СНГ" / Деньги и кредит. -М., 2002г. - № 9. - С. 71-75

60.Мозиас П. "Прямые иностранные инвестиции: современные тенденции"/ Мировая экономика и международные отношения. - 2002г. - № 1. - С. 65-72

61.Нурманова Б. "Методы снижения рисков при кредитовании инвестиционных проектов", / "Бозор, пул ва кредит", - Т.,2003, - №1, с.16-18.

62.Сафаев Ш. "Инвестиционный климат Республики Узбекистан"/ Деловой портнер Узбекистана". - 2002. - 14 февраля, №7. стр.2-3.

63.Хошимов К. "Хорижий инвестициялар ҳудудий тақсимотини мукамаллаштиришнинг солиқ усули / Бозор, пул ва кредит. - 2003. - N 1. - С. 37-39

64.Худайкулов З. "Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини давлат томонидан бошқариш ва инвестиция фаоллиги муаммолари". / "Рынок ценных бумаг". - Т., 2002. - №2, стр.2-3

IV. Интернетдаги сайтлар

65.www.stana-oz.ru.

66..www.gmpr.ru.

67..www.ebrd.com

68.www.aup.ru

69.www.ifc.org